Илм — ўзни билмакдир

# МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 16 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. 52 (6640)

*Ўзбекистон — Украина*

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма таклифига биноан 1994 йил 10—11 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Украинада бўлди.

Иккала дўст давлат президентлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар пайтида ўзаро ҳамкорлик борасида ҳамда томонлар манфаатдор бўлган халқаро масалалар юзасидан батафсил, амалий фикр алмашинди. Мустақиллик ва эгаменлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали асосда давлатлараро муносабатлар ўрнатишга биргаликдаги интилиш мавжудлиги баён қилинди.

Президентлар олий даражадаги Ўзбекистон — Украина учрашувини юксак баҳолаб, бу мулоқот икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришда, ислоҳотларни ўтказишда, икки халқ турмуш даражасини кўтаришда муҳим қадам бўлди, деб ҳисоблайдилар.

Томонлар икки томонлама муносабатларнинг турли соҳаларида эришилган аҳдномаларни амалга ошириш механизмини мустаҳкамлашга қаратилган самарали ҳаракатлар зарурлигини теран англашларини изҳор этдилар. Кўпгина қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тўсиқ бўлаётган ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Музокаралар иштирокчилари эркин савдо-сотиқ тартибини ўрнатиш юзасидан изчил қадамлар ташлашга келишиб олдилар.

Президентлар икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини кенгайтиришга эътиборни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайдилар. Ташриф давомида имзоланган иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақидаги Баённома, Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги ҳамда даромадлар ва мулкдан икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги ва бошқа битимларнинг имзоланиши бунинг исботидир.

Томонлар мамлакатларимиз олдида турган вазифалар умумийлигини, икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш эҳтиёжини, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ва халқаро ташкилотларда ўзаро биргалашиб ҳаракат қилиш зарурлигини чуқур идрок этиш Ўзбекистон — Украина муносабатлари ишончли ҳамкорларнинг алоҳида муносабатлари даражасига кўтариш имкониятини яратишни қайд этдилар.

Томонлар алоқаларнинг янги шаклларини ривожлантириш, қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлари ва хўжалик фаолиятининг бошқа субъектларини барпо қилиш йўли билан ҳамда молиявий воситалар, саноат ва илмий-техник салоҳиятни ишга солиб, савдо-сотиқнинг олий шаклларини ишлаб чиқариш кооперациясини кенг тараққий эттириш орқали тўлдиришда бир-бирига кўмаклашишга, келишилган ҳолда маҳсулот ва товарларнинг етказиб берилишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришга тайёр эканларини баён қилдилар. Ўзбекистон ва Украина кон қазиш соҳасида, илмий изланишлар талаб қилинадиган технологияларни ишлаб чиқишда, машинасозлик, самолётсозлик соҳасида, қишлоқ хўжалиги саноати мажмуида, енгил саноатда, нефть ва газни қидириб топиш, қазиб чиқариш ва сотишда ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини ҳам баён этдилар. Иккала томон ҳам замонавий технология асосида ишлаб чиқилган маҳсулот билан жаҳон бозорларига чиқиш учун қўшма тузилмалар барпо қилиш истагида экани эҳтиёжи бўлди. Булардан ташқари, томонлар иккала давлат халқ хўжалиги мажмуининг етакчи соҳалари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлашга рози эканини ҳам баён қилдилар.

Ислом Каримов ва Леонид Кучма Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ҳозирги тараққиёти йўналишларини диққат билан қараб чиқдилар, давлатларнинг ҳамдўстлик фаолиятида турли-туман шаклларда иштирок этишини ёқлаб фикр билдирдилар. Улар Тожикистондаги, МДҲ ҳудудидаги бошқа алангали нуқталардаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан фикр алмашдилар, бу жойлардаги муаммоларни фақатгина тинч, сиёсий йўл билан тезда ҳал этиш лозимлигидан манфаатдор эканларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон ва Украина Президентлари икки томонни қизиқтирган масалалар юзасидан мунтазам равишда маслаҳатлашиб туришга келишиб олдилар. Улар, бундай маслаҳатлар Ўзбекистон — Украина муносабатларининг самарадорлигини оширишга фаол кўмак беради, деб ишонадилар.

Президент Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучмани Ўзбекистонга расмий ташриф билан келишга таклиф қилди. Ташриф муддати дипломатия йўли билан келишиб олинади.

*"Йил мактаби — 94" кўрик-танлови*

## МАКТАБ ДУРУ ГАВҲАР СОЧАР



*16-18 ноябрь кунлари Ўқитувчилар уйида "Йил мактаби — 94" республика кўрик-танлови бўлиб ўтади. Мазкур танлов қандай тартибда ўтказилади, унга илм масканлари қандай тамойил ва мезонлар асосида танлаб олинмоқда? Мухбиримиз М. Қурбонбоевнинг шу каби саволларига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармаси етакчи мутахассиси, республика халқ таълими аълочиси Тўхтахон Абдумаликова қуйидагича жавоб берди:*

### ҚАНДАЙ ЖАМОА ҒОЛИБ БЎЛАДИ?

**— Вазирлигимизда Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунидан келиб чиқадиган вазифаларни тўла амалга ошириш мақсадида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Халқ таълими тизимини янада жонлантириш, ёш авлодга таълим-тарбия беришни жаҳон мезонларига тенглаштириш, келажагимиз учун билимдон, зукко мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш учун илм масканларида ўқитишнинг ноанъанавий, янгича иш услубларидан фойдаланилмоқда, илғор тажрибаларга кенг йўл очиб беришга алоҳида эътибор берилаётир.**

**Мустақил юрт, она халқимиз манфаати йўлида фидокорлик намунасини кўрсатаётган педагогик жамоаларнк аниқлаш ва бу жамоаларнинг иш тажрибаларини туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсида оммалаштириш ҳам кейинги йилларда анъанага айланиб бормоқда. "Йил мактаби" кўрик-танлови Низомида қайд этилганидек, дастлаб бу тадбир туман (шаҳар)ларда, вилоятларда ўтказилди. Қувонарлиси шундаки, кўрик-танловда иштирок этиш истагида кўпчилик мактаблар жамоалари ўз иш режаси, дастури ва услубларини давримиз талаблари асосида қайта кўриб чиқдилар, такомиллаштирдилар.**

**Вилоятларда фахрли биринчи ўринни эгаллаган мактаблар республика "Йил мактаби — 94" кўрик-танловида иштирок этишга тавсия этилди. Танлов иштирокчиси бўлган ҳар бир мактаб жамоаси ўзининг илғор иш услублари ва таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдаги ноанъанавий тажрибаларини ёритган кўргазмасини юқорида таъкидланганидек, 16-18 ноябрь кунлари Ўқитувчилар уйида намойиш этади. Ҳакамлар ҳайъати Халқ таълими вазирлигига юборилган маълумотномалар билан муфассал танишиб, ҳар бир мактаб жамоасининг иш фаолиятини қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳолайдилар:**

**— тавсия этилган ҳужжатлар мукаммаллиги;**

**— таълим-тарбияни демократлаштириш борасидаги тажрибаси;**

**— илм маскани ўқувчиларининг фанлар бўйича республика олимпиадалари ва иқтидорли болалар кўрик-танловларидаги иштироки;**

**— таълимда янги, ноанъанавий иш услубларидан — тест, рейтинг, диагностик таҳлил, компьютерлардан фойдаланиши;**

**— миллий маънавият ва қадриятларга муносабат қандайлиги;**

**— илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш услублари ва даражаси;**

**— мактаб — маҳалла — жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги;**

**— мактабнинг моддий-техника таъминоти ва уни тадбиркорлик билан бойитиш усуллари. Шунингдек, танлов кунлари илм маскани фаолияти ёритилган видеотасма томоша қилинади, мазкур мактаб раҳбарининг маърузаси тингланади.**

**Ғолиблик учун курашаётган мактаблар орасида жадаллаштирилган таълим, такомиллаштирилган дастурлар асосида ишлаётган билим даргоҳлари, яхши хулқ масканига айланаётган мактаблар, ўқувчиларга Шарқ педагогикаси намуналарини пухта ўргатаётган ўқитувчилар жамоаси борлиги кишини қувонтиради...**

**Хуллас калом, эрта-индин бўладиган танловда ана шу талабларга ҳар жиҳатдан мос бугунги кун илғор мактаби аниқланади.**

**Ғолибликка номзод барча жамоаларга омад тилаймиз!**

**("Йил мактаби — 94" кўрик-танловига бағишланган мақолаларни газетамизнинг ички саҳифаларида ўқийсиз).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига мувофиқ шу йилнинг 25 декабрида янги парламент — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов белгиланган. Депутатлар сайлови Ўзбекистон тарихида илк бор кўппартиялилик асосида ўтади. Қонунийликка қатъий риоя қилиш замирида ҳамда сиёсий барқарорлик вазиятида ўтаётган бу йилги сайлов компанияси сайлов тажрибамизни такомиллаштиришдаги муҳим қадам деб билинмоқда.

Сайлов тайинлангач, қонунда белгиланган муддатларда сайлов округлари ва участкалари тузилди, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этилди. Сайлов компаниясининг масъулиятли тадбирларидан бири — депутатликка номзодлар кўрсатиш ниҳоясига етказилди. Ўз ҳуқуқларини амалга ошира бориб сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари Олий Мажлис депутатлигига номзодларни кўрсатдилар. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда, уларнинг рўйхатларини эълон қилишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Сайлов қонунларига мувофиқ тарзда сайловолди тадбирларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш борасида округ сайлов комиссияларига муҳим ўрин ажратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни муваффақиятли ўтказиш кўп жиҳатдан сайлов комиссиялари аъзоларининг тайёргарлик даражасига, сайлов тўғрисидаги Қонун талабларини яхши билишларига, улар олдида турган вазифаларни тўғри англашларига боғлиқ бўлади.

Ана шуларга ёндошган ҳолда Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг уч кунлик ишчи семинар-кенгашини уюштирди. Семинар-кенгаш 14 ноябрь куни Тошкентда ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. А. Аҳмедов кириш сўзи билан семинар ишини бошлади.

Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Ҳ. Халилов семинар-кенгашда маъруза қилди.

Нотиқ ўз маърузасида мамлакатимизда сайлов тизимини ислоҳ қилишнинг бош йўналишлари тўғрисида, Олий Мажлиснинг ваколатлари ва вазифалари хусусида, янги парламент олдида турган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Семинар қатнашчиларига сайлов тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида муфассал тушунтирилди, мустақил Ўзбекистон сайлов тизимининг асосий конституцион принциплари очиб берилди, сайлов тўғрисидаги Қонуннинг янги талаблари ва ундан келиб чиқадиган сайлов комиссияларининг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди раиси вазифасини бажарувчи Ш. З. Ўразаев Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлов ҳуқуқларининг кафолати масалалари тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А. Мардиев Олий Мажлисга сайловнинг кўппартиялилик асосида ўтказилиши — Ўзбекистон Республикаси парламентини демократияни янада ривожлантириш йўли билан шакллантириш гаровидир мавзусида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. А. Аҳмедов сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақида маъруза қилдилар. Сўнгра Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Ф. Ф. Сидорский сўзга чиқди. Республика пойтахтининг сайлов округларида парламент сайловига тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ. М. Абдураимов нутқ сўзлади.

Ишчи семинар-кенгашда округ сайлов комиссияларининг раислари билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раҳбар ходимлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, ҳокимликлар ташкилий-кадрлар ишлари бўлимларининг мудирлари, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси минтақавий бўлинмаларининг раислари, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари таклиф этилган.

Уч кунлик семинар дастурида сиёсий партиялар раҳбарларининг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили жаноб Холид Малик, республикадаги қатор дипломатик муассасалар раҳбарларининг сўзга чиқишлари кўзда тутилган. Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги қатор округ комиссияларига бориб иш тажрибаси алмашиш мўлжалланмоқда.

Семинар-кенгаш ишида АҚШ, Туркия, Япония, Буюк Британия давлатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчилари, "Конрад Аденауэр" фондининг вакили иштирок этди.

## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Қадрли муштарийлар!*

*1995 йил учун "Маърифат" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.*

*"Маърифат"нинг обуна баҳоси:*

*БИР ЙИЛГА — 194 СЎМ 40 ТИЙИН*

*ОЛТИ ОЙГА — 97 СЎМ 20 ТИЙИН*

*УЧ ОЙГА — 48 СЎМ 60 ТИЙИН*

**Муҳтарам халқ таълими ходимлари, устоз педагоглар, қадрли муаллимлар, доимий ҳамроҳингиз "Маърифат" газетасига обуна бўлишга шошилинг!**

*"Маърифат"га жавоб берадилар*

## ЯНГИ ТЎПЛАМ ЧИҚАДИ

**"Маърифат" газетасининг шу йил 26 октябрь сонида андижонлик ўқитувчи Дилбар Бобоеванинг "Қачон нашр этилади?" деб номланган мақоласи чоп этилиб, унда тил ва адабиет муаллимлари қўлланма тарзида фойдаланиб келаётган "Диктантлар тўплами" бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани айтилганди.**

**Мазкур мақола юзасидан Республика ўқув-методика марказидан қуйидаги мазмунда жавоб хати олдик:**

**"Асака туманидаги 42-мактаб ўқитувчиси Д. Бобоеванинг мақоласида кўтарилган масала ўринли. Дарҳақиқат, амалдаги "Диктантлар тўплами" маънавий жиҳатдан анча эскирган. Бу ҳол инобатга олиниб, Республика ўқув-методика маркази янги мазмундаги "Диктантлар тўплами"ни тайёрлаш бўйича амалий ишларни бошлаб юборган.**

**Низомий номидаги ТДПИ доценти Муҳаррам Юсупова томонидан тайёрланган "Диктантлар тўплами" (умумтаълим мактабларининг 5—9 синфлари учун) "Ўқитувчи" нашриётига топширилган бўлиб, 1996 йилда босмадан чиқади.**

**Андижон тиллар университети профессори А. Нурмонов раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан ҳам шундай тўплам ҳозирланган. Шу кунларда мазкур қўлёзмани лотин ёзувига кўчириш жараёни кечмоқда. Тўплам 1996 йилда чоп этилади.**

**Айни пайтда таълимий-тарбиявий мавзудаги турли адабиётлар, қўлланмалар ҳам кўплаб нашр қилинмоқда. Шунингдек, матбуот саҳифаларидан ҳам бундай мазмундаги матнларни топиш мумкин.**

**Муаллимларимиз мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланадилар. деган умиддамиз".**

*Мададталаб мактублар*

## Қатнайвериб чарчадик

Бизнинг Қарши туманидаги Бозор Орипов номидаги 43-мактабимиз 1961 йилда чўпон болалари учун қурилганди. Эскириб, ҳозирда яроқсиз аҳволга келган мактабдаги 550 нафар ўқувчининг чуқур билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Синф хоналари етишмайди. Тўгарак ишларини олиб боришнинг ҳам иложи йўқ. Турли ўқув тадбирлари, кечаларни ўтказайлик десак каттароқ зал, спорт майдонига эга эмасмиз. Ёғингарчилик пайтларида томидан чакка ўтади. Мактаб деворлари захлаб, нураш ҳолига келиб қолган.

Яна бир нарса ҳақида ташвишланиб ёзаяпман. Табиий газ учун ўтказилган қувурлар ярмида қолиб кетди. Ўқитувчилар ҳозир умуман балонли газ олмаяптилар. Тегишли ташкилотларга қатнайвериб, оёқларимиз толди. Ҳолбуки, туман халқ таълими бўлимидан ҳар уч ойда туман газ идорасига пул ўтказилади. Бу пул қаерга, кимнинг фойдасига кетяпти — бу бизга қоронғу бўлиб қолмоқда.

Балки "Маърифат" масалага ойдинлик киритишга ёрдам берар.

**Ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси номидан МАШҲУРА ОРИПОВА, ўқитувчи.**

# МАКТАБ ДУРУ ГАВҲАР СОЧАР

## ЯХШИ ХУЛҚ МАКТАБИ

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 279-мактаб 1988 йилнинг сентябрь ойида ишга тушди. Директори В. Киселёв. Таълим икки сменада рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Ҳозир мактабда 122 ўқитувчи ишлайди. Шулардан 19 нафари олий, 30 нафари биринчи тоифали ўқитувчилардир. Лицей синфларда ўқиётган ўқувчилар сони 823 нафарни ташкил этади. 45 мингдан ортиқ китоби бўлган кутубхона ўқитувчи ва ўқувчиларга хизмат кўрсатаяпти. Ўқув даргоҳи замонавий типдаги ошхона ва спорт залига эга.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Мактабда ўқитувчиларнинг услуб даражасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Тажрибали ўқитувчиларнинг ишлари оммалаштирилмоқда. Масалан, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси З. Исмоилованинг "Дарсларда ноанъанавий усуллардан (сахна, баҳс-мунозара, семинар, конференция, синов, умумлаштирувчи ва ҳоказо дарслар) фойдаланиш", физика фани ўқитувчиси И. Серебрянникова "Мактабда физика фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш" борасида изланишлар олиб боришаяпти. Уларнинг К. Ортикова, И. Лобастова каби издошлари ҳам ўқитишнинг турли услубларидан фойдаланишмоқда.

Мактаб ўқувчиларини тарбиялашда синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг низомига асосланади. Ўқувчилар ёши, уларнинг қизиқишлари, тарбиянинг асосий қонун-қоидалари ҳисобга олинган ҳолда тарбиявий ишларнинг инсон ва жамият, инсон ва одоб, инсон ва билим, инсон ва табиат каби йўналишлари ишлаб чиқилган. Синф раҳбарлари ўқувчи шахсини ўрганишда юқоридаги йўналишларга ва ўзлари ишлаб чиққан дастурларга асосан иш олиб борадилар. 1992—93-ўқув йилида З. Исмоилова, И. Лобастова, И. Серебрянникова, Стародубцеваларнинг синфларга раҳбарлик қилишдаги тажрибалари туман миқёсида оммалаштирилган. Мактабда ҳар йили "Моҳир синф раҳбари" кўрик танлови ўтказилмоқда.

Тарбиявий ишларни олиб боришда "Мир" (КИТ"— кичкинтойлар, изланувчилар, тенгдошлар) болалар ташкилоти муҳим ўрин эгаллайди. Бу ташкилотда 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 836 ўқувчи аъзоликка қабул қилинган. Болалар ташкилоти ўзининг Низоми Қоидаси, Байроғи, Рамзи ва Шиорига эга.

Билим даргоҳида "Фанлар академияси" очилган. Унинг вазифаси ўғил-қизларнинг илмий, ижодий изланишларига ёрдам бериш, мактабни янги йўналишга — яхши хулқ мактабига айлантиришдир. Хуллас, Ўзбекистон келажаги учун ҳақиқий ворисларни тарбиялаш, уларга пухта билим бериш мактаб жамоасининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

## ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Генерал Собир Раҳимов номидаги 8-мактаб 1971 йилда ташкил топган. Беруний шаҳрида жойлашган. Жамоага 52 йиллик педагогик иш тажрибасига эга бўлган "Ҳурмат белгиси" ордени соҳиби, республика халқ таълими аълочиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи И. Рўзиматов раҳбарлик қилади.

1147 нафар ўғил-қизга 100 нафар ўқитувчи таълим бермоқда. 5 нафар ўқитувчи олий тоифа, 43 нафари 1-тоифа эгаси. Оталиқ ташкилоти — Беруний пахта тозалаш заводи. Мактаб кутубхонасида 24 мингга яқин адабиёт жамланган.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Билим маскани ўз фаолиятида таълимнинг эски усулларидан воз кечиб, демократиялаштириш сари юз тутмоқда. Миллий мактаб яратиш борасидаги тажриба ва изланишлар жамоага хосдир. Фанларни ўқитиш жараёнида Марказий Осиё олиму фузалоларининг илмий-тарбиявий меросини ўрганиш, амалда қўллаш, уларга таяниб ишлашга катта эътибор берилмоқда.

Тарих ва ҳуқуқшунослик кабинети раҳбари Жумабой Давлетмуратов ўз фаолиятида таълимнинг ноанъанавий шаклларидан унумли фойдаланиб, шаҳар мактаблари кўрик-танловида ғолиб деб топилди. Ижодий изланишлар, машаққатли меҳнат эвазига бунёдга келган муаллимнинг фан кабинети таълим-тарбия жараёнида ғоят ибратли ҳисобланади. Мактабда барча қулайликларга эга бўлган тикувчилик, чиланғарлик, дурадгорлик устахоналари ўқувчиларга хизмат қиляпти. 1993/94 ўқув йилида мактаб ўқувчиларининг фанлар бўйича ўтказилган II тур шаҳар олимпиадасида 20 нафар ўқувчи ғолиб чиқди ва мактаб фахрли биринчи ўринни эгаллади. Зонал олимпиада мусобақаларида қатнашган 16 нафар ўқувчи фанлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси олимпиадасига йўлланма олди. Мактабнинг 10-синф ўқувчиси Юлдуз Раҳимбоева иқтидорли ёшларнинг Улуғбек номидаги стипендиясини оляпти.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўқув юрти чақириққача ёшларни тарбиялаш соҳасида шаҳардаги таянч мактабларидан биридир. ЧЁТ фани кабинети замон талаблари асосида жиҳозланган. Кўргазмали воситалар танловида мактаб ўқувчилари ўзлари ясаган КЯ-93 асбоби билан қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. Болалар ва ўсмирлар уюшмаси Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллигига бағишланган мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

## ДАРС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Шароф Рашидов номидаги 18-ўрта мактаб Хўжаобод туманидаги илғор таълим-тарбия масканларидан саналади.

Мактаб 1984 йилда фойдаланишга топширилган. 624 ўқувчига мўлжалланган мактабда ҳозирги кунда 412 ўқувчи бир сменада ўқийди. Болаларга 49 нафар ўқитувчи дарс бераётир. Уларнинг 4 нафари олий, 15 нафари биринчи, 14 нафари иккинчи тоифали ўқитувчилар.

Олий тоифали тарих фани ўқитувчиси М. Акбарова илм маскани ташкил этилганидан буён педагогик жамоага раҳбарлик қилиб келаётир.

Мактабда 20 та фан кабинети, 3 та таълим устахонаси, ошхона, спорт зали мавжуд. Шунингдек, спорт майдони, гимнастик шаҳарча, қоровул шаҳарчаси ташкил этилган.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Педагогик жамоа ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш мақсадида "Ҳар бир дарс самарадорлигини оширамиз" деган шиор остида иш олиб бормоқда.

Кўп йиллардан бери мактаб жамоаси ўз-ўзини назорат қилиш асосида иш олиб бориб, яхши натижаларга эришмоқда. Илм маскани ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришга қизиқиш ортиб бораётгани шундан далолат бериб турибди. Жумладан, математика ўқитувчиси Абдуҳошим Рўзибоев ва мусиқа ўқитувчиси Ахмаджон Бўрибоевнинг иш тажрибаси республика миқёсида, бошланғич синф ўқитувчиси С. Ёқубова, рус тили ўқитувчиси К. Ибрагимова, математика ўқитувчиси Ш. Камолова, география ўқитувчиси Р. Қашқарова, физика ўқитувчиси У. Отақулов, биология ўқитувчиси М. Каримов, эски ўзбек ёзуви ўқитувчиси О. Носиров ва бошқаларнинг иш услублари вилоят ва туман миқёсида оммалаштирилди.

Мактабда кўпдан буён ҳамкорлик педагогикаси асосида иш олиб борилиб, ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишларида мустақилликка, ижодкорликка, ўз-ўзини баҳолаш каби ишларга катта эътибор берилганлиги туфайли ўқувчиларда ўзига ишонч хислатлари таркиб топмоқда.

Мактабда синфдан ташқари ишлар яхши йўлга қўйилган. Билимдонлар, сухандонлар, фермерлар, ахборотчилар, санъаткорлар, чаққонлар, дурадгорлар каби клуб ва тўгаракларда амалга оширилаётган ишлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга, онгли касб танлашга ўргатаётир.

Педагогик жамоа иш натижалари йил сайин муносиб баҳоланиб келаётир. 1993 йилда мактаб "Йил мактаби" кўрик-танловида Андижон вилоятида учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлганди.

1992-93 ўқув йилида мактабни 41 нафар ўқувчи тамомлаб, улардан 25 нафари олий ҳамда тўлиқсиз олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқда.

## БИЛИМ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ — БОШ МЕЗОН

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Бухоро шаҳридаги 8-мактаб Тўқимачилик туманида жойлашган бўлиб, 1977 йилда ташкил топган. Мактабга малакали педагог Н. Д. Добролюбова директорлик қилмоқда.

Замонавий бинода ўқишлар бир сменада олиб борилмоқда. Мактабда 1050 ўғил-қизга 70 ўқитувчи таълим-тарбия беради. Улардан 6 нафари олий, 9 нафари биринчи, 22 нафари иккинчи тоифалидир.

Мактабда махсус спорт зали, майдончаси мавжуд. Шунингдек, мажлислар зали, компьютер хонаси, 4 та таълим устахонаси, тиббиёт пункти, логопед хонаси, ошхона, кутубхона бор. Кутубхонада 45 мингга яқин дарслик, методик ва бадиий адабиётлар мавжуд.

Бухоро уй-жой қурилиш комбинати мактабга оталиқ қилиб келмоқда. Комбинат директори О. Н. Тошев билан мактаб маъмурияти ўртасида тузилган шартномага кўра, оталиқ ташкилоти мактабни зарур асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари, ўқув қуроллари билан таъминлаб, уни янги ўқув йилига тайёрлашда катта ёрдам кўрсатиб келмоқда.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Педагогик жамоа "Дарс жараёни ва дарсдан ташқари пайтларда ўқувчиларнинг билим даражасини ошириш" мавзуси устида иш олиб бораётир. Дарс ва дарсдан ташқари пайтларда ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар дуруст самара бермоқда.

Метод бирлашмаларда ўқитишнинг янги шакллари, илғор иш тажрибалари муҳокама қилиб борилади. Шунингдек, тажрибали ўқитувчиларнинг дарслари кузатиб борилади.

Ўқитувчилар маҳоратини ошириш мақсадида мактабда "Ёш ўқитувчилар мактаби" фаолият кўрсатмоқда.

Мактабда кўпгина тажрибали ўқитувчилар бор. Бошланғич синф ўқитувчиларидан Е. А. Қодирова, З. Ф. Богатова, Н. И. Шапошникова, математика ўқитувчиларидан Н. И. Валидова, Л. Л. Дружинина, С. И. Каримова, рус тили ўқитувчиларидан А. П. Каневская, Н. К. Николаева, география ўқитувчиси Н. М. Зайнитдинова, тарих ўқитувчиси С. А. Смирнова ва бошқалар шулар жумласидандир.

"Билимлар кўриги" дарсларини ўтказиш мактабда анъанага айланиб қолган. Барча фанлар бўйича ўтказиладиган бундай дарсларда ўқитувчилар қатори ота-оналар ҳам қатнашадилар.

Ҳар йили декабрь ойида мактабда фанлар бўйича олимпиадалар ўтказилади.

Мактабда ташкил этилган тасвирий санъат, "Ёш боғбон", "Ёш математиклар" тўгараклари, спорт шўъбаларига, маҳаллада очилган тўқиш, миллий рақс тўгаракларига анчагина ўқувчилар қатнашмоқда.

Мактабда ўқувчилар билим савияси қай даражада эканлигини 1992-93 ўқув йили мактабни битириб чиққан 58 ўқувчидан 36 нафарининг олий ўқув юртларига, 8 нафарининг ўрта махсус ўқув юртларига киргани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

## АНЪАНАЛАР-ИСТИҚБОЛГА ЁРУҒ ЙЎЛ

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Наманган вилояти Наманган туманидаги Акмал Икромов номидаги 22-ўрта мактаб 1924 йилда ташкил этилган. Дастлаб 24 нафар ўқувчи таълим олган.

Ҳозир мактабда 90 нафар ўқитувчи (шулардан 1 нафар олий, 12 нафар биринчи тоифали) 1019 толиби илмга сабоқ беряпти. Мактаб биноси замонавий русумда. Барча қулайликларга эга. 30 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона ўқувчилар хизматида. Жамоага халқ таълими аълочиси, салкам 40 йиллик педагогик иш тажрибасига эга Жўрахон Аъзамов директорлик қилмоқда.

Наманган тумани пахта тозалаш заводи билим даргоҳини ўз оталиғига олган. Корхона 1993-94 ўқув йилида мактабга 25 минг сўм маблағ ажратди. Бундан ташқари ҳар ой 10 ўқувчига стипендия учун 3 минг сўмдан пул бериляпти.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Мактаб 1992 йилдан буён Шарқ педагогикаси анъаналарини давом эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу — педагогика асосларини таркиб топтириш учун "Одобнома" хонаси ташкил қилинган бўлиб, у Шарқ олимлари, тарихий шахслар ҳаётига оид керакли ашёлар билан жиҳозланган.

Амалдаги ўқув йилида 11-"В", 10-"В" ҳамда 9-"В" синфлари кимё фанидан, 5-"Г", 6-"Г" синфлар француз тили бўйича чуқурлаштирилган ўқитиш усулида тарбияланмоқда. 7-"Г" ва 7-"Д" синфлари табақалаштириб ўқитиб келинмоқда.

Чуқурлаштирилган, табақалаштирилган синфларни ўқитишда такомиллаштирилган иш режалари тузилиб, ноанъанавий услублардан фойдаланилмоқда.

Халилов Тўланбой, Отахонов Абдуғаффор, Умарова Зулхумор каби ўқитувчилар таълим беришнинг янги-янги усуллари устида иш олиб боришмоқда.

Шу мактабни битирганлар орасида Шаҳзода Мирзаҳўжаева, Жамолхон Сиддиқов, Аминжон Маматов, Ўринбой Нуралиев каби Меҳнат Қаҳрамонлари, туман ҳокими, ўнлаб зукко олимлар, таниқли санъаткорлар бор.

## ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР ТУФАЙЛИ

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Навоий шаҳрида жойлашган 4-ўрта мактаб хассос шоира Нодира номи билан аталади. 860 ўқувчига мўлжалланган бу мактаб 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, айни кунда 33 та синфда 928 та ўқувчи билим олмоқда. 49 нафар ўқитувчи таълим-тарбия ишларини олиб боради. Шулардан икки нафар олий тоифали, 19 нафари биринчи, 10 нафар ўқитувчи иккинчи тоифали педагоглардир.

Мазкур зиё ўчоғида ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Физика, химия, биология, мусиқа, иккита ЭҲМ хонаси, видеозал, металл ва ёғочларга ишлов бериш устахонаси, радио устахонаси, меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш хонаси, ўйин ва ритмика зали, спорт зали ва майдончаси, 200 ўринга мўлжалланган ошхона, кутубхона ўқувчилар хизматида.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Ўқув жараёнида компьютерлардан фойдаланиш жуда яхши йўлга қўйилган. Шу туфайли, 1993 йилдан бошлаб мактаб ҳамма фанлар бўйича компьютер дастурларига эга бўлди.

Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, ушбу мактабда ўқувчи шахс сифатида биринчи ўринда туради. Буни ўқув-тарбия жараёнини демократизациялаштириш натижаси, десак хато бўлмайди. Мазкур жараён дарс ўтиш методларига ҳам тааллуқлидир. Ўқувчилар ва ота-оналар тестлар ёрдамида дарсларни таҳлил қилиш ҳуқуқига эга. Ундан ташқари, уларга қайси синфда, қайси соҳа бўйича ўқишни танлаш ҳуқуқи ҳам берилган.

Фанлар чуқур ўқитиладиган ушбу мактаб ўқувчилари ҳар йили турли фанлар бўйича олимпиадаларда, кўрик-конкурсларда фаол қатнашиб, туман, вилоят, республика миқёсида фахрли ўринларга сазовор бўлишмоқда.

1992 йили Навоий тоғ-кон металлургияси комбинати йўлланмаси билан 28 ўқувчидан 14 ўқувчи кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб Новочеркасск институтига ўқишга қабул қилинди. Ўша йили мактабнинг 52 нафар битирувчисидан 29 нафари турли олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди.

1993 йилда эса 42 нафар битирувчининг 27 нафари талабалик бахтига муяссар бўлдилар.

## ҚАДРИЯТЛАРНИ АРДОҚЛАБ

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

122-мактаб Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Торинжак маҳалласида жойлашган. 1987 йилда ишга туширилган. Директори Мақсад Ғаффоров. Ҳозир 402 нафар ўқувчига 32 нафар муаллим сабоқ беради. Ўқитувчиларнинг 18 нафари олий, 6 нафари ўрта махсус, 3 нафари ўрта маълумотли, 5 нафари сиртдан ўқимоқда. Педагогик жамоанинг ўртача ёши 28.

Мактабда зарур жиҳозлар билан таъминланган спорт зали ва майдончалари мавжуд.

Мактаб кутубхонасида ўзбек ва тожик тилларида 16740 дона дарслик, 1640 дона бадиий адабиёт, турли фанларга оид тавсиянома ва услубий қўлланмалар бор.

Оталиқ ташкилоти "Наврўз" жамоа хўжалиги мактабга яқиндан ёрдам бераяпти.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Дарс ўтишда ноанъанавий услублардан кенг фойдаланилади. Жумладан, математика ўқитувчиси Ғ. Набиевнинг (оптимал услуб), она тили ва адабиёт ўқитувчиси А. Файзуллаевнинг (дарс-мунозара, дарс-спектакл), география ўқитувчиси С. Рустамовнинг (дарс-экскурсия, мўъжизалар майдони), тарих ўқитувчиси Р. Раҳмоновнинг (муаммоли дарс) ўзига хос услублари ўқувчиларнинг одобли, билимли, зукко бўлиб етишишларига хизмат қилмоқда. Зебо Иброҳимовانинг "Бошланғич синфлар таълимида кўргазмали қуролларнинг аҳамияти", Дилрабо Темировانинг "Бошланғич синф математика дарсларида дидактик ўйинлар" каби тажрибалари шаҳар миқёсида оммалаштирилган.

Бу йил фанлар бўйича туманда ўтказилган олимпиадаларда 24 нафар ўқувчи қатнашиб, улардан, 5 нафари вилоят миқёсида бўлиб ўтган беллашувда фахрли ўринларни эгаллади.

Шунингдек, бу илм масканида синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ҳам намунали ташкил этилган. Мавжуд тўгаракларда ўқувчилар каштачилик, зардўзлик, тўқиш, ўймакорлик, дурадгорлик каби халқ ҳунармандчилиги соҳалари сирларини қунт билан ўрганишмоқда.

## 70 ЁШЛИ МАКТАБ

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Сирдарё вилоятидаги 1-ўрта мактаб Сирдарё шаҳрида жойлашган бўлиб, 1925 йилда ташкил топган. Мактабга малакали педагог, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи А. Ширинов директорлик қилади.

Замонавий типда қурилган (920 ва 320 ўринли) бинода дарслар олиб борилмоқда.

Мактаб ўқитувчиларининг 18 нафари олий тоифали.

Мактабда ёзги ва қишки спорт зали, сузиш ҳавзалари, кутубхона, тиббиёт пункти, 250 ўқувчи ўрнига мўлжалланган ошхона, 2 таълим устахонаси, компьютер, лингафон хонаси ва мажлислар хонаси мавжуд.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Педагоглар жамоаси дарс жараёни ҳамда дарсдан ташқари вақтларда ноанъанавий усулларни жорий этиш асосида ўқувчилар билимини мустаҳкамлаб бормоқда.

Дарс жараёнида гуруҳ ва якка тартибда ишлаш, лекция дарслари, семинарлар, мунозарали дарслар, ижодий маърузалар, рефератлар тузиш усуллари қўлланилиб келинади. Шунингдек, фанлар ҳафталиклари ўтказиш ҳам анъанага айланган.

Ўқитувчилар билим маҳоратини ошириш мақсадида "Ёш ўқитувчилар мактаби", "Ўз-ўзини синаш ва маҳоратлилар" фаолият кўрсатмоқда.

Ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар ташаббуси билан 1964 йилдан буён мактабда музей фаолият кўрсатиб келади. Музейнинг иш тажрибаси бир неча бор собиқ Итти оқда ўрганиб чиқилган ҳамда 1980 йилда халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш этилиб, медаль ва диплом билан тақдирланган.

1993-94 ўқув йилларида вилоятда ўтказилган фанлараро олимпиадада 28 нафар ўқувчи юқори кўрсаткичларга эришган. 2 нафар ўқувчи республика миқёсидаги олимпиадада қатнашиб иккинчи ўринни олган.

## ДАРОМАДГА ЯРАША БУРОМАД

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 37-мактаб 1934 йилда ташкил топган. Алихон Сафаров номидаги жамоа хўжалигининг "Ёш ғайрат" қишлоғида жойлашган. 1993 йилдан бошлаб унинг дастлабки ғиштини қўйган марҳум директори Тоштемир Чўтбоев номи билан юритиляпти.

Мактабга Х. Норматов раҳбарлик қилади.

Мактабда 671 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда, машғулотлар бир сменада олиб борилмоқда. 2 та ошхона, 2 та кутубхона, 2 та спорт зали, 2 та дурадгорлик ва 2 та тикув устахонаси, 2 та спорт майдончаси мавжуд.

60 нафар ўқитувчининг 46 нафари олий маълумотли, 7 нафари олий тоифали, 32 нафари биринчи тоифали, 5 нафари "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" нишондори. Мактабдаги фан кабинетлари, лабораториялар замонавий ўқув-техник жиҳозлар билан таъминланган, маҳаллий материаллар билан бойитилган. Одобнома дарсларининг маҳаллий шароитга мослаштирилган хоналарда ўтилиши айниқса, диққатга сазовор.

Оталиқ ташкилоти — Л. Сафаров номидаги жамоа хўжалиги 36 нафар ўқувчига ҳар чорак якуни бўйича 1000 сўмдан стипендия ажратган. Ўқувчиларнинг чуқур назарий ва амалий билим олишлари учун киноаппарат, лектор, "ЛЭТИ-600" аппарати, тикиш машиналари, ёғочга қайта ишлов берувчи станок ва Т-28 маркали тракторни совға қилиб берган. Мактаб қатор йиллар тумандаги мактаб устахоналари кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб келяпти. Миллий ҳунармандчиликка катта эътибор берилган. Ўқувчилар ўз қўллари билан уй-рўзғор буюмлари, стол-стуллар ясашади, кийим-кечаклар, кўрпа-ёстиқ, пахта териш этаклари тикишади, станоқда гилам тўқишади.

Бугунги кунда мактаб ҳисобида 5 миллион сўм маблағ йиғилган. Бу маблағ Наврўз байрами, фан кечалари, мушоиралар, мусобақа ва олимпиадалар, маданий ҳордиқ чиқаришга сарфланади.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Мактабда икки йил олдин 2 та техник лицей синфи очилди. Туман ҳокимияти келаси йили уни тўлиқ лицей мактабига айлантиришни режалаштирган.

10-лицей синфида таҳсил олган Юлдуз Исломова математикадан республика олимпиадасида 4-ўринни, Диёр Бекмуродов физикадан учинчи ўринни эгаллади. Ўқувчилардан Н. Донаев математика бўйича республика олимпиадасида 3-ўринни, Шуҳрат Умаров физика фанидан 5-ўринни эгаллашди.

Мактаб 1993 йили "Санпост" мусобақасида вилоятда биринчи ўринни олди. Икки ўқувчи офицерлар тайёрлаш билим юртида ўқимоқда. Мактабнинг собиқ ўқувчиларидан 5 нафари "Спорт мастери" ва мастерликка номзод, улардан бири — Тоҳир Тоғаев югуриш бўйича собиқ Иттифоқ биринчилигида республикамиз шарафини ҳимоя қилган. Енгил атлетика бўйича 1990-1993 йил мусобақаларида вилоятда биринчи, Майна Ҳасанова хотираси учун ўтказилган югуриш мусобақаларида республикада учинчи ўринни эгаллади.

## ИЧКИ НАЗОРАТ ЮТУҚ ГАРОВИ

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Алишер Навоий номидаги 1-ўрта мактаб — Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида жойлашган. Директори Фарҳод Умаров. Ўқиш ўзбек ва рус тилида 3 босқичда олиб борилади. Фанлар бўйича хоналар сони 42 та. Уларда 1919 нафар ўқувчига 112 нафар ўқитувчи дарс ўтади. Шунингдек, мактабда куни узайтирилган гуруҳ бўлиб, унда 720 нафар бола таълим олади.

Педагогик жамоанинг 80 нафари олий, 3 нафари тўлиқсиз олий, нафари ўрта махсус маълумотли. Уларнинг 1 нафари олий, 21 нафари I тоифали, 33 нафари II тоифали, 55 нафари эса мутахассислардир.

Мактаб ўз кутубхонасига ҳамда барча шарт-шароит мавжуд бўлган спорт залига эга.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Мактабда холисликка асосланган ички назорат йўлга қўйилган. Назорат натижалари чуқур таҳлил этилиб, улар асосида тузилган диагностик ҳаритадан ҳар бир ўқитувчи ўз баҳосини билиб олиши мумкин. Ўз ўрнида бу ҳариталар мактаб таълими тизимининг кўпгина жабҳалари бўйича тузилган. Улар жамланган ҳолда синфлар, сўнгра эса мактабнинг умумий кўрсаткичларидан кишини хабардор қилади. Ички назоратнинг бу усули ҳар бир ўқитувчидан, ўқувчидан ўз-ўзига ҳисоб бериб туришни талаб этади.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб мактабда ўқувчилар қизиқиши, иқтидорига қараб маълум бир фанга ихтисослашган синфлар ташкил этила бошланди. Мактабнинг ўзида ташкил этилган фанлар бўйича, услубий бирлашмалар бундай синфлар ўқитувчиларига методик кўрсатмалар, тавсияномалар, режалар тузишда яқиндан ёрдам беришаяпти.

Бу йилги фанлар бўйича олимпиадаларда шу мактаб ўқувчилари фаол қатнашишди. Улардан 26 нафари вилоят олимпиадасида қатнашди. Республика миқёсида ўтказилган беллашувда Ш. Раҳимова (тарих) иккинчи ўринни эгаллади.

Дарсдан ва мактабдан ташқари ишлар ҳам мактабда аниқ мақсадли режа асосида ташкил этилган Экологик, иқтисодий, меҳнат, ватанпарварлик тарбияси бўйича муайян ишлар қилинмоқда.

## ЖАМОАНИНГ ЎЗ УСУЛИ БОР

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Қўқон шаҳридаги Д. Менделеев номидаги 30-ўрта мактаб Қўқон шаҳар халқ таълими тасарруфига қарашли бўлиб, 1985 йил 1 сентябрда ташкил топган. Мактабга тажрибали педагог Содиқжон Тошпўлатов директорлик қилади.

Замонавий типда қурилган бинода ўқишлар бир сменада икки тилда олиб борилади. Мактабда 1441 нафар ўғил-қизга 110 нафар фан мутахассислари таълим-тарбия бермоқда.

Мактабда 45 та синфхона мавжуд бўлиб, мослаштирилган спорт зали, тиббиёт пункти, мажлислар хонаси, компьютер ва лингафон хоналари, 3 та таълим устахонаси, ошхона, кутубхона бор. Кутубхонада 50 мингдан ортиқ дарслик, методик ва бадиий адабиётлар мавжуд. Булардан ташқари 5 та киноаппарат, 18 та магнитофон, 20 та диапроектор, 26 та электрофон, 10 та эпидиаскоп, 8 та кодоскоп, 11 та телевизор ўқувчилар хизматида.

Шунингдек, мактаб ўзининг 1,5 гектарлик ер-участкасига ҳам эга.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Дарс ва дарсдан ташқари пайтларда ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, қўшимча адабиётлар, газета ва журналлардаги тавсияномалардан ижодий фойдаланиш мактабда яхши самара бермоқда.

Ўқувчилар билимини ошириш мақсадида "Мўъжизалар майдони", "Иқбол қулганда", "Назм дарслари" фанлараро олимпиадалар мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Мактабда кўплаб тажрибали, ташаббускор ва ўз мутахассислигини пухта билган ўқитувчилар бор. Она тили ва адабиёти мутахассислари М. Асрақулова, Ў. Мелибоева, М. Рустамқулова, рус тили ва адабиёти ўқитувчилари М. Файзуллаева, В. Муҳаметова, З. Ғофурова, тарих ўқитувчиси Ҳ. Ҳалимжонова, З. Тўйчиев ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мактаб жамоаси жаҳон педагогикаси ютуқларидан фойдаланишга, уни амалда татбиқ этишга, "Билимлар кўриги" дарсларини ўтказишга катта аҳамият бериб келади.

Мактабда ташкил этилган "Светофор", "Ёш табиатшунос", "Ёш ф[illegible]зиклар" тўгараги мунтазам ишлаб турибди.

## ХОРАЗМДА ШУНДАЙ МАКТАБ БОР

Кўҳна Хоразмнинг Қўшкўпир туманида Ойбек номли 39-ўрта мактаб бор. Бу мактаб ўзига хос йўналишда эканлиги билан кўпчиликнинг тилига тушган. Мактаб 624 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, 23 та фан кабинети, 1 та ўқув устахонаси, 150 ўқувчига мўлжалланган ошхонага эга. Айни кунда мактабда 792 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 80 нафар ўқитувчи сабоқ бераётир. Улардан икки нафари олий тоифали, ўн икки нафари биринчи тоифали, ўттиз беш нафари иккинчи тоифали.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Ўқитувчилар хизмат қилаётган бу зиё масканида "Ўқувчиларга таълим-тарбия жараёнида экологик билим бериш" йўналиши муҳим аҳамият касб этади.

Мактабда ўқувчиларни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш учун кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Биринчидан, 5—11-синфларда ўқувчилар биология дарсларида амалий меҳнатга ўргатилмоқда. Мактабдаги "Экологик бурчак", "Экологик зал", "Иссиқ хона" ўқувчиларнинг табиат ҳақидаги тасаввур ҳамда билимларини бойитишга хизмат қилмоқда.

Кези келганда айтиб ўтмоқ жоизки, мактаб фақат экологик билимлар бериш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Педагогик жамоа ҳар бир фанни анъанавий усуллардан фойдаланиб, қулай ва ўзига хос бир тарзда ўқувчиларга етказиш учун жиддий изланишлар олиб боришаётир.

Кувонарлиси шундаки, мактабда миллий ҳунармандчиликка эътибор катта. Кулолчилик, миллий чолғу асбоблари ясаш цехларида ўқувчилар устозлардан касб-ҳунар сирларини чуқур ўрганишмоқда.

Ўзбек тили ва адабиёти фанлари ҳам изланувчанлик руҳида, халқ ижодига ҳурмат ва чексиз муҳаббат руҳида ўтилганлиги боис, ўқувчилар ота-оналардан ҳар хил терма, алла, ёр-ёр, маросим қўшиқлари, халқ оғзаки ижоди намуналарини чуқур ўрганиб боришяпти.

Мактаб қошида ташкил этилган гулчилик, ёш суратқашлар, ватанпарвар, бадиий ҳаваскорлар, ёш қаламкашлар, ёш рассомлар, кулолчилик, боғдорчилик тўгараклари ўқувчиларни миллий қадриятларимизга, анъаналаримизга, табиатимизга, бутун ҳаётимизга муҳаббат руҳида таълим-тарбия олишларига бевосита кўмакдош бўлмоқда.

## БОБОЛАР МЕРОСИ — ХАЗИНА

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги Мирзо Бедил номидаги 13-ўрта мактаб 1994 йилда махсус лойиҳа бўйича 1176 ўқувчига мўлжаллаб қурилган. Мактаб биноси ўқув-тарбия жараёнининг барча талабларига мос. Мактабдаги 1802 нафар ўқувчига 129 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Улардан 103 нафари олий маълумотли, 18 нафари ўрта махсус маълумотли ўқитувчилардир.

Мактаб директори Шарофиддин Зайниддинов 1949 йилда туғилган, маълумоти олий, 28 йиллик педагогик стажга эга. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси нишони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Олий тоифали математика ўқитувчиси. Шаҳар кенгашининг ноиби.

Мактаб жамоаси ҳамда ота-оналар кучи билан катта боғ ташкил қилинган. Илм масканида спорт зали, спорт майдончалари, соғломлаштириш хонаси, 250 ўринли ошхона мавжуд. Тиббиёт хонаси, тиш даволаш хонаси ўқувчилар хизматида.

### ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Мактабда 9 та услубий уюшма ишлаб турибди. Фаолиятнинг мақсадли режалаштириш тизими жорий этилган. Дастурлар мажмуининг бажарилиши доимий равишда мактаб кенгашида кўриб борилаяпти. Кимё ва математика фанлари чуқур ўргатилаётган лицей синфи ва бадиий нафосат гимназия синфи ягона мақсад сари йўналтирилган. Илм маскани жамоаси таълим-тарбия ишини демократлаштиришга, таълимнинг янги, ноанъанавий услубларидан, шаркона урф-одатлардан, миллий-маданий меросдан фойдаланишни асосий вазифа қилиб қўйганлар. Ўқитувчилар ўз машғулотларида халқ педагогикаси, жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб, А. Навоий, ибн Сино, Улуғбек, Беруний, Абдулла Авлонийлар меросидан унумли фойдаланишмоқда. У ерда "устоз ва шогирд" мактаби, "Ҳофизхонлик", Машрабхонлик, Бедилхонлик адабий мактаблари ташкил этилган. Мактаб вилоятда ўтадиган барча тадбирларда шаҳар халқ таълими шарафини ҳимоя қилиш учун қатнашиб, мунтазам равишда биринчи ўринни эгаллаб келади.

→

"Йил ўқитувчиси — 94" кўрик-танлови

# ЎН УЧ МУАЛЛИМ, ЎН УЧ ФИДОЙИ

*"Йил ўқитувчиси — 94" кўрик-танловининг вилоят ғолиблари:*

*Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 134-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Қундуз ДАДАМУРАТОВА,*

*Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 9-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани муаллими Тоҳир РЎЗИБОЕВ,*

*Андижон вилояти Андижон туманидаги 13-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шаҳобиддин ҲАСАНОВ,*

*Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 23-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Севара АМИНОВА,*

*Жиззах вилояти Зомин туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мақсудахон САЛИМОВА,*

*Навоий вилояти Навоий шаҳар Абу Али ибн Сино номидаги мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Хурраматош БЎРОНОВА,*

*Наманган вилояти Тўрақўрғон шаҳар академик И. Мўминов номидаги 1-ўрта мактабнинг меҳнат ва чизмачилик фани муаллими Адҳамжон КАРИМОВ,*

*Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 30-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳабиба РУСТАМОВА,*

*Сирдарё вилояти "Оқ олтин" туманидаги Андижон номли иқтидорли болалар мактаби она тили ва адабиёти фани муаллими Оқилбек ЖАДИГОРОВ,*

*Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар А. Навоий номидаги 11-ўрта мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Маҳзуна САФАРОВА,*

*Тошкент вилояти Оққўрғон туманига қарашли Ҳамза номидаги 6-лицей-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Жамила БОЛТАБОЕВА,*

*Фарғона вилояти Боғдод туманидаги 2-иқтидорли болалар лицей-интернатининг она тили ва адабиёт фани муаллими Самандар МАТЁҚУБОВ,*

*Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 1-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси София ҚУРБОНОВА.*

*Эътибор берганингиздек, танлов иштирокчиларининг етти нафари она тили ва адабиёти фани муаллимлари, қолганлари бошқа фанлар мутахассисларидир. Демак, бунда сўз санъати фидойилари, ўз фанининг усталари ғолиблик шоҳсупаси учун кураш олиб борадилар. 21 ноябрь куни бу ғолиблар пойтахти азим Тошкент шаҳрига ташриф буюришади. Ўқитувчилар уйида ҳакамлар ҳайъати ҳамда эксперт комиссияси аъзолари билан учрашади, қурра ташланади. Навбати билан тест синовидан ўтишади, уларнинг компьютер саводхонлиги аниқланади.*

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов қабулидан сўнг финал иштирокчилари пойтахтимиздаги 110-мактабга йўл оладилар ва илм маскани ҳаёти билан танишадилар. Шу куни видеодарс натижалари эълон қилинади ва танловнинг биринчи босқич вазифалари якунланади.*

*23 ноябрь куни вилоят ғолиблари 110-мактаб ўқувчилари ҳузурида очиқ дарс ўтиб, бу борадаги иқтидорларни намойиш этадилар. Кўрик-танловнинг энг қизиқарли ва тантанали қисми эса 24 ноябрда Киночилар уйида бўлиб ўтади.*

*Якуний босқичга саховатпеша ҳомий ташкилотлар қимматбаҳо совғаларини ҳозирлаб қўйганлар. Хуллас, республикамизнинг илғор маорифчилари кашф этиладиган беллашув ғоят қизғин ўтиши кутилмоқда.*

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.**

# ЁЗУВЧИЛАРДАН ХАТ ОЛГАН БОЛАЛАР



**ЁХУД МЕН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎҚУВЧИЛАРНИ БАДИИЙ ИЖОДГА ҚИЗИҚТИРДИМ.**

Ҳар бир касб эгаси каби ёш, ишга янги келган ўқитувчи юрагида ҳам бир олам орзу-ҳаваслар ва ниятлар тугён уради. У пинҳоний бир куч ва меҳр билан, енг шимариб иш бошлайди. Мен 1982 йил туманимиздаги 9-ўрта мактабга ишга келдим. Талабалик йиллардан бадиий ижод, яъни шеърият билан шуғулланганим учун, албатта ўқувчиларга ҳам уни ўргатишга, қизиқтиришга ҳаракат қила бошладим. Шеърларим туман ва республика матбуотида чиқиб тургани учун ўқувчилар ҳам алоҳида бир қизиқиш билан қарай бошладилар. Ўзим эса ўқувчиларим мантиқий тафаккур, равон ва мазмунли нутқини ўстиришни кўнглимга тугдим.

Хўш, ишни нимадан бошламоқ керак? Олдимда шу савол кўндаланг турарди. Ишни деворий газетадан бошлайми, ё адабиёт тўгарагидан? Ҳаммаси эски йўл. Қандайдир янги, ҳеч ким юрмаган йўлни ахтарардим. Лекин ўқувчиларим асарларимни ўқиб алоҳида бир ҳурмат билан қараб юрганини ҳис қилардим. Руҳан тайёрланиб ва уларнинг ҳам қизиқиш доираси кенгая бораётганини яққол сезиб турардим.

Кунлардан бир куни туманимиздаги "Дўстлик байроғи" газетасида бир туркум шеърларим эълон қилинди. 8-синфга дарсга киргандим, Даврон исмли ўқувчим "муаллим, газетада шеърларингиз чиқибди" деб газетани менга кўрсатди.

— Раҳмат, Давронбек, сен ҳам шеърларинг газетада босилишини истайсанми? — дедим.

— Жуда-жуда истайман, — деди у.

Ўқувчи қизиқмаса, газетани кўтариб келмас эди.

— Бўлмаса эртага шеър ёзиб, олиб кел, — дедим.

У ваъда берди. Ўқувчига дарҳол катта талабларни қўя олмайсиз. Ижод ўқувчининг хаёли етмайдиган бир тоғ бўлиб кўринмаслиги керак. Балки содда, унинг хаёли етадиган оддий бир мўъжиза бўлиб туюлгани маъқул. Мен худди ўша ердан, ўша ўқувчи газетани келтириб берган пайтдан ишни кенг тус олдира бошладим. Ўзим ўқитадиган синфларда "Шеърият лаҳзалари"ни ўтказиб, ижодга қизиқтира бошладим. Ҳали орзу билан шеърнинг орасида қанчалик катта масофа борлигини ўқувчилар билишмайди. Фақат шу масофадан олиб ўтиш — менинг вазифам.

Бошқа синфларга ҳам бу гаплар етиб, танаффус пайтларида менга учрашиб, шеърларини кўрсатадиган ўқувчилар кўпайиб қолди. Мактаб икки сменада бўлгани учун тўгарақдан кўра "Шеърият лаҳзалари" таъсирлироқ ўтарди. Мен ўқувчиларга машҳур шоирлар ҳам аввало тақлиддан бошлашганини, машқ қила-қила, жиддий ўқиб-ўрганиб, ижодга кейин киришганлиги ҳақида кўп гап риб, уларни шеърият сирларини забт этишга маънан тайёрладим.

Шеър ёзиш қийин эмас, ҳаммангиз ёзишингиз мумкин, — дедим. — Фақат қизиқиш билан иш бошланглар. Матбуотда шеърларингизнинг эълон қилишига мен ваъда бераман. Мен синфда бир олам орзу ва истакни кўрдим. Келажак кашфиётчиларини кўрдим. Адабиётга бўлган қизиқишни кўрдим. Уларни том маънода қизиқтириб юборсам, бу қанчалик маънавий ютуқ эканлигини бир ўйлаб кўринг. Буни ҳеч бир микёс билан ўлчаб бўлмайди.

Ўқувчиларга шеър ҳақида кўп эмас, озгина маълумот бериб, бир синаш учун шеър машқ қилишларини маслаҳат бердим ва эртага кўрсатишларини сўрадим. Ҳамма ишга киришиб, умрида биринчи маротаба қўлига қалам олди. Ким чин дилдан киришди, ким китоблардан кўчира бошлади, ким ёзолмади. Лекин шу кун улар маънавият бобида, хаёлот бобида катта бир қадам ташладилар.

Галдаги дарсга ҳамма бир даста шеърий машқлар билан келибди. Қарасам, номига ҳамма шоир! Ҳамма ижодкор! Бир томондан хурсандман, бир томондан хижолатдаман. Натижа қандай бўлиши мени зимдан ўртар эди. Ўқувчилардан ҳамма машқларни йиғиб олдим. Бир сидра кўздан кечирдим. Машқлар, тақлидлар, маъносиз жумлалар... Бир-икки ўзига хос фикрлар ҳам учради. Ўқувчининг шахси ўзи билан, биз уларнинг фақат фаолиятига таъсир қилиш орқали шахсини тарбиялаймиз. Шахсини танқид қилишга ҳаққимиз йўқ. Мен уларга қарата:

— Сизлардан ижодкор одамлар чиқади, — дедим. Фақат бир ишни олдин амалг оширмасак бўлмайди. Шу шеърнинг тузилиши...

Ҳамма ўқувчилар ўргатинг дея бошладилар. Мен ишни жуда содда бошладим. Бирданига ҳамма аломатларни ўргатиб, олдига тўкиб ташламадим. Олдин бўғин, кейин вазн, турок, қофия, деталь, ўхшатиш, такрор, радиф ва энг охирида мазмун ҳақида гап бошладим. Хулоса шуки, уларга мавзу танлашгача маълумот бердим.

Кейин ўқувчилар аста жиддий тортиб қолдилар. Шунчаки шеър ёзилавермаслигини ҳис қила бошладилар. Мен уларни ҳадиксиратиб қўйишдан қўрқардим. Жуда бўлмаганда, мактаб бўйича битта ижодкор одам чиқса ҳам рози эдим. Шу мақсад билан иш бошлаганман, уларнинг ҳаммаси ижодкор бўлмаслигини ҳам яхши биламан. Фақат уларнинг орасидан талант чиқиб қолармикан, бекилган булоқнинг кўзи очилиб кетармикан, деган умидда эдим.

Аста-секин шеър тузилиши ҳақидаги маълумотларни чуқурлаштира бошладим. Ўқувчиларнинг сони аввалига бир кўпайган бўлса ҳам, кейин камая бошлади. Бу камайиш ҳақида умуман сўз очмаслик керак деб, ўзимга сўз бериб қўйдим. Даврон, Орзигул, Тўхтажон, Саида каби ўқувчилар жиддий кириша бошладилар.

Улар машқ қилиб келишади, мен камчиликлари ҳақида қисқача маслаҳатлар бераман. Ҳали қандай китоб ўқиб кўрдинг деган саволлар, гаплар бўлгани йўқ. Уларга таъсир қилиш учун яна тўлқин, яна бир таъсир излай бошладим. Уни ҳам топдим. А. Мухторнинг "Чинор" романи ҳақида гап чиқиб қолди. Бир чинор кавагида музика тугараги жойлашгани ҳақида суҳбат қўзғалди ва ўқувчилар ҳайратда қолди. Дарҳол катта-катта чинорлар ҳозир ҳам борми, деган мақсадда ўқувчиларим севимли ёзувчимиз. А. Мухторга хат ёздилар. Чамаси бир ойлардан кейин ёзувчидан мактуб келди.

"Хатларингизни олдим, раҳмат, — деб ёзган эди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор,— менинг ижодимга ва шу ўнғай билан ўлкамиз табиати мўъжизаларига қизиқиб қараган ўқувчи болалардан хурсанд бўлдим. Уларни шундай руҳда тарбиялаётган ота-оналари ҳамда муаллимларига минг раҳмат.

Бобочинорга келсак, менинг билганим шуки, бундай бир неча юз яшар чинорлар бизнинг республикамизда анчагина. Чунончи, Фарғонанинг Водил қишлоғида бир чинор борки, биз болалигимизда пионер лагеримиз унинг соясида, музика тўгарагимиз эса унинг танасидаги кавагига сигиб кетар эди. Ўша вақтдаёқ, чоллар уни 700 ёшга кирган, дейишарди".

Ўқувчилар катта-катта ёзувчилар қандай қилиб ижодга қизиққан экан деган саволларни ҳам беришар эди. Кимдир Х. Тўхтабоевнинг "Мунгли кўзлар" романини ўқиганини айтиб қолди. Дарҳол мактуб ёзиш ҳақида фикр туғилди. "Ёш куч" журналига, Х. Тўхтабоевга мактуб йўлладик. Ҳурматли ёзувчимиздан ҳам жавоб мактуби келди. Ёшликдан кўп ўқиганлиги ҳақида ёзиб юборган экан. Ана шундай қилиб, ўқувчиларни ёзувчилар билан мактуб орқали учраштиришга мушарраф бўлдим. Бир неча синфларда дарс берардим, лекин ҳаммаси бўлиб ўнга яқин ўқувчи машқ қилишни давом эттириб келаверди. Бошқалари четга чиқиб қолишди. Энди бошлаган ишни охирига етказиш мақсадида охирги таъсир тўлқинини ишга солдим.

— Ҳурматли ўқувчилар, мана бир неча йиллардан бери машқ қилиб келаяпсизлар, келинглар, ёзганларингиз билан бир туман газетасида чиқиш қилайлик, — дедим. Ҳамма қувонч билан рози бўлди. Кейин таҳририятга бориб, журналист Қурбонбика Юнусова билан бу масала юзасидан маслаҳатлашиб, таҳририятнинг розилигини олдим.

Хулласкалом, мен ёзувчиларнинг мактублари ва ўнга яқин ўқувчининг шеър ва мақолаларини туман газетасининг бир саҳифасида беришга эришдим. Бу саҳифанинг қувончи, унинг таъсири, унинг туйғуси ҳеч бир туйғу билан тенг эмас. Уларнинг тоза ва покиза туйғулари дунё бўйлаб парвоз этган бўлса ажаб эмас. Адабиёт бошқа фанларни ўзлаштиришга имкон бўладиган фан бўлса, ижодкорлик кашфиётлар йўлидаги биринчи эшик ва биринчи имкондир.

Ўша ўқувчилар мактабни тамомлаб кетдилар. Ҳозир фақат иккита ўқувчигина матбуотда кўриниб туради. Иккита ўқувчигина таҳририятга қатнаб туради. Бу менинг катта ютуғим эди. Агар ҳар йили иккита ўқувчи ижодкор бўлиб етишса ёки Ўзбекистон бўйича ҳар мактабдан иккита ижодкор етишиб чиқса, бу катта ютуқ.

Бола жуда чиройли бўлади. Биз ўша чиройдан гўзаллик яратишимиз лозим. Бадиий адабиёт ва ижод орқали биз уларни тарбиялаймиз. Бу тарбия ҳис-туйғу тарбияси, бу тарбия руҳий тарбия. Бу тарбияни бошқа тарбия билан солиштириб, қиёслаб бўлмайди. Хуллас, мен ўқувчиларни шундай қилиб бадиий ижодга ўргатдим.

**Тоҳир РЎЗИБОЕВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловининг голиби, Тўрткўл туманидаги 9-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

# ЗОМИННИНГ "КИЧИК АКАДЕМИЯ"СИ

*"Халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактабдир".*

**Ж. ДАНТОН.**

Қайсики юрт, қайсики элда илм-маърифатга эътибор кучли бўлса, шу маскан иқтисодий ва маънавий жиҳатдан гуллаб-яшнаган, юксалган. Бундай юртдан номи жаҳонга танилган буюк алломалар етишиб чиққан. Шарқ халқлари, хусусан, Ўрта Осиё азалдан ана шундай анъанага эга. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда туғилиб, жаҳон илму фанига асос солган юртдош алломаларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шу маънода ҳозир ҳам ҳар бир вилоят, туманнинг фахри бўлган билим масканлари бор. Зомин тумани Х. Боқиев номидаги 1-ўрта мактаб ана шундай билим масканларидан бири.

Мактаб 1929 йилда ташкил топган. Унинг ўз тарихи, босиб ўтган ҳаёт йўли бор. Ўтган 65 йиллик давр мобайнида ушбу маскандан халқ хўжалигимизнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган фидойи инсонлар, шунингдек 6 та фан доктори, 50 дан ортиқ фан номзодлари етишиб чиқди. Кўплаб давлат арбоблари, депутатлар, шоир ва ёзувчилар, Давлат Мукофоти лауреатлари шу масканда таълим олганликлари билан ғурурланадилар.

Халқ таълими олдига қўйилган бундай масъулиятли вазифани адо этиш учун мактаб жамоаси етарли куч ва имкониятга эга. Ҳозирги кунда мактаб жамоаси бутун фаолиятини "Мактабда ўқувчи, ўқитувчи, ота-она ва жамоатчилик ҳамкорлиги асосида ўқувчиларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаб, ўқув-тарбия савияси ва самарадорлигини юқори кўтариш" борасида иш олиб бормоқда.

Илм масканида 73 нафар ўқитувчи бор. Уларнинг аксарияти чуқур билим ва тажрибага эга бўлган олий маълумотли устозлар. Олий ва 1-тоифали ўқитувчилар мактаб педагогларининг асосий қисмини ташкил этади. 20 нафари Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиларидир. Мактабда таълим-тарбия ишлари асосан бир сменада ташкил этилган. 47 та фан кабинети, 4 та амалий машғулотлар хонаси, қишки спорт зали ўқувчилар ихтиёрида. Уларнинг ҳаммаси зарур техник воситалар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари томонидан тайёрланган кўргазмали қурол ва дидактик материаллар 70 мингдан зиёд. Буларнинг бари ўқув жараёнини такомиллаштириш, болалар билим сифатини ошириш мақсадларига қаратилган.

Кейинги йилларда мактаб маъмуриятининг ўқитувчилар олдига қўйган талаб ва масъулияти ошмоқда. Ўқитувчиларни ишга қабул қилиш танлов асосида ўтказилаяпти. Айни пайтда мактаб директори шартномага асосан ўқитувчига етарли иш шароити яратиб беради. Маълумки, ҳар қандай билимнинг асоси бошланғич синфларда шаклланади. Шу боисдан ҳам мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сифатли таълим-тарбия беришга эътибор кучайтирилган. Ҳар бир бошланғич синф ўқитувчисига мактаб директорининг буйруғи билан она тили ва математика ўқитувчилари бириктирилган. Улар йил давомида бошланғич синф ўқитувчиларига амалий ёрдам кўрсатадилар.

Мактаб гуманитар фанларга ихтисослашган бўлиб, инглиз тили 2-, она тили 5-синфдан чуқур ўрганилади. Янги ўқув йилидан бошлаб 1-синфга "Одобнома" фани киритилди. Мактаб ихтиёридаги соатлар ўқувчиларни ҳунармандчилик, каштачилик, пазандачиликка ўргатишга йўналтирилмоқда. Мактабда таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйиш мақсадида мактаб раҳбарияти 5-11-синф жамоаларини ўзаро тақсимлаб, улар билан ҳар ҳафтанинг шанба кунлари мулоқот ўтказади. Шунингдек, ҳар ойда бир марта "Очиқ эшиклар" кунида ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар билан очиқ мулоқотда бўладилар. Йил давомида фан ҳафталиклари мунтазам ўтказиб борилмоқда. Бунда ўқитувчилар билан ўқувчилар дарсдан бўш пайтлари мазкур фанга доир қўшимча маълумотлар хусусида баҳслашади, анжуманлар ўтказишади.

Мактабда фанларни ўқитишнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш бош мақсад қилиб қўйилган. Мактаб метод кенгаши ўқув йили давомида бир ярим-икки ой ўқитувчиларнинг ноанъанавий дарс беришини ташкил этади. Шу ўқув йилининг ўзида 21 марта ана шундай дарслар ўтказилди. Улар асосан дарс — анжуман, дарс-саёҳат, дарс-баҳс, дарс-синов, дарс-танлов, дарс-семинар, дарс-маъруза, дарс-ўйин, дарс-мунозара ва бошқалардир. Бунда ўқувчилар ўзларига бутунлай нотаниш бўлган дарс усуллари билан танишадилар. Мактабда "Ёш ўқитувчилар клуби" ишлаб турибди. Унга "Ўқитувчи — 91" республика танлови ғолиби Ҳ. Раҳматуллаева етакчилик қилади. Клуб режа асосида ёш ўқитувчилар учун очиқ дарслар, очиқ тарбиявий соатлар, ота-оналар йиғилиши ўтказиб боради. Умуман, мактабда ёш ўқитувчиларга ҳар томонлама амалий ёрдам бериш анъанага айланган.

Замон талаби асосида мактаб педагогика жамоаси Марказий Осиё мутафаккир мураббийларининг таълим-тарбия борасидаги меросини ўрганиш ва амалда қўллашни ўзларининг муқаддас бурчи деб қарамоқдалар. Буюк алломаларимиз Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек таълимотини ўрганиб, улар фаолиятини ёшлар онгига сингдирмоқдалар. Шарқ алломаларининг бой ҳаётий меросларини ўрганиб, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари беш нарсага эътиқод қўйишган.

1. Оллоҳ — у ҳар нарсага қодир, сидқидилдан сиғинсанг, мақсадингга етказади.

2. Тафаккур — ўйлаш, фикрлаш қобилияти инсонга ҳар қандай мушкулни осон қилиш йўлини кўрсатади.

3. Қадам — у ҳар бир зиёлининг йўлдоши.

4. Имон — имонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, халқнинг ор-номусини ҳимоя қилади. Ҳалоллик, покликни улуғлайди.

5. Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик, ақл-идрок, илми донишнинг асоси, ўргатувчи мураббийдир.

Мактабларда ўқитишни миллий анъаналар руҳига мослаш катта аҳамият касб этади. Бунинг учун, аввало, ёшларга давлат тилини, чет тилини пухта ўргатиш, уларни табақалаб ўқитиш, миллий одоб-ахлоқни сингдириш, миллат тарихини ва унинг қадриятларини англаш каби хислатлар шакллантирилмоқда. Мактабда ўқитувчи, ўқувчи, ота-оналар ўртасида одамийлик муносабатларини шакллантириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Турли мавзуларда кечалар, суҳбатлар, танловлар ўтказилмоқда. Ўқувчиларни меҳр-оқибатли, мурувватли қилиб тарбиялаш бугунги кун талаби. Буни яхши англаган ўқувчилар мактаб атрофидаги ногиронлар ва нафақахўрларни доимий оталиққа олишган.

Мактабни демократлаштириш, ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш борасида мактаб жамоасининг ўз баёноти бор. Унинг бош ғояси инсонпарварлик, одамийлик, ўқувчи шахсини ҳурмат қилишдир. Унда шундай сатрлар бор: "Ўқитувчи хотиржам ва сахий бўлгандагина ўрғата олади, ўқитувчиларга ортиқча уй вазифаси юкламаймиз, ҳар қандай тазйиқ ўтказишларга чек қўямиз, болалар қувонч ва ташвишлари билан яшаймиз, ўқитувчи доимо ҳақ, у ҳеч қачон хато қилмайди, деган ақида биз учун бегона". Албатта бу сатрлар замирида ўқувчилар шахсини ҳурмат қилиш, уларни етук инсонлар қилиб тарбиялашдек эзгу ният мужассам.

Мактабда бой ҳаётий тажрибага эга бўлган устозлар кўп. Равшан Файзиев, Ханифа Раҳматуллаева, Ҳасан Йўлдошев, Шавкат Хоринов, Роза Шарафуддинова, Мақсуда Салимова, Дилором Охунова, Муяссар Қоражонова, Раъно Холиқоваларнинг тажрибалари туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилди. Ижодкорлик — ўқитувчиларнинг кундалик шиорига айланган. ЭҲМ ўқитувчиси У. Худойбоқов 8-синф ўқувчиларига дастур қўлланма яратди. Тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Р. Файзиев ностандарт дарслар бўйича қўлланма ёзди. 2-синфларга чет тили фани ҳам ўқитувчиларнинг ўзи тузган дастур асосида ўтилмоқда.

Келажаги буюк бўлган давлатнинг эртанги куни ёшлар қўлида. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги Фармони мактаб жамоасини янги ижодкорлик сари руҳлантирмоқда. Мактабда "Ёш билимдонлар" ва "Илҳом" ижодкор ёшлар тўгараги фаолият кўрсатаяпти". "Ёш билимдонлар" тўгараги аъзолари йил давомида география, тарихий, адабий маълумотлар тўплаш, турли янгиликлардан хабардор бўлиш учун изланмоқдалар. Бу тўгарак 1993—94 ўқув йилида "Ёш билимдонлар" туман танловида биринчи ўринни қўлга киритди. "Илҳом" ижодкор ёшлар тўгарагига аъзо бўлган ўқувчиларнинг кўпчилиги маҳаллий матбуотда фаол иштирок этмоқда. 11-синф ўқувчиси М. Умурзоқова шеърлари республика ўсмирларининг "Тонг юлдузи" газетаси ва бошқа журналларда эълон қилинди. Зомин тумани ижодкорларининг "Зомин фарзандиман" тўпламида тўгаракнинг уч нафар аъзоси ўз шеърлари билан қатнашди.

Албатта, бундай изланиш ва таълим-тарбиядаги ютуқлар бошқа мактабларда ҳам бор. Лекин 1-мактаб қўлга киритаётган ютуқлар алоҳида таҳсинга лойиқ. Фанлар бўйича ўтказилаётган олимпиадаларда 20 йилдан буён мактаб биринчи ўринни қўлдан бермай келаяпти. Мазкур ўқув йилида ҳам 20 ўқувчи туман олимпиадасида 1-ўринни, вилоят олимпиадасида 9 ўқувчи 1-ўринни қўлга киритди. 9 ўқувчи республика олимпиадасида қатнашди. Иқтидорли болалар кўрик-танловида 7 ўқувчи иштирок этди. Бундай иқтидорли, истеъдодли ўқувчилар Ўзбекистон Фанлар кичик академиясига аъзо қ и иб қабул қилиндилар. Ана шундай изланишлар натижасида мактаб юз фоиз ўзлаштиришга, 63 фоиз сифат кўрсатгичга эга бўлди. Шу мактаб ўқитувчиси Ҳ. Раҳматуллаева 1991 йилда ўқитувчи кўрик-танловида республикада 1-ўринни олди. Унинг касбдоши Мақсуда Салимова бу йил вилоят танловида ғолиб чиқиб, республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Мактабимиз туманда тажриба таянч маскани ҳисобланади, — дейди мактаб директори Ҳасан Йўлдошев. Барча туман мактаблари ўқитувчилари бизга келиб илмий-услубий ёрдам олишади. Туман, вилоят, республика миқёсида тез-тез семинар, анжуманлар ўтказилади. Кўплаб ўқитувчиларимиз вилоят миқёсида ностандарт дарслар ўтиб бердилар. "Одобнома" фанидан эса 1993 йилда республика семинари бизда ўтказилди.

Дарҳақиқат, мактаб жамоаси қўлга киритаётган ютуқларда унга кўп йиллардан бери етакчилик қилиб келаётган Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, тиниб-тинчимас, мураббий Ҳасан Йўлдошевнинг ташкилотчилик хизмати катта. Директорнинг саъйи-ҳаракатлари боис иккита қўшимча ўқиш биноси, қишки спорт зали, ошхона қурилди. Бу ўз навбатида ўқув машғулотлари, синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларни ўтказишда катта имкон яратмоқда. Мактаб ўқувчилари спорт мусобақалари ва бадиий ҳаваскорлик бўйича ҳам туманда пешқадамликни эгаллаб келаяпти. Жамоанинг "Йил мактаби" вилоят кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритиб, республика танловида қатнашаётганлиги мактабда таълим-тарбия жараёни давр талаблари даражасида олиб борилаётганлигини кўрсатади.

Шу мактабда таълим олиб, бугунги кунда эл назарига тушган турли касб эгалари анчагина. Улар орасида мамлакатимиз Президентининг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Ўзбекистон Олий Кенгаши мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзияев, Давлат мукофоти лауреатлари И. Искандаров, У. Мажидов, тиббиёт фанлари доктори Ш. Баҳриддинов, фалсафа фанлари доктори О. Умурзоқова ва бошқа кўплаб фан докторлари, номзодлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т. Содиқов, шоир ва ёзувчилар Ш. Файзулло, Т. Жамолов ва бошқалар бор.

Туман ва вилоятда 1-мактабни "Зоминнинг кичик академияси" деб аташади. Юқоридаги ютуқларни ҳисобга олсак, бу гапнинг замирида ҳақиқат борлигига амин бўламиз. Мактаб учун қилинган хайрли ишларни юртимиз ва халқимиз ҳамиша эъзозлайди. Мактаб жамоаси ана шундай эъзозга муносиб.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига кўра шу йилнинг октябрь ойидан умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича малака даражасини ошириш ҳамда қўшимча ҳақ ва устамалар тизимини тартибга солиш ҳисобидан ўртача 20 фоиз оширилди. Буни халқ таълими ходимлари мамнуният билан кутиб олишди.**

**Суратда: Пешку тумани халқ таълими бўлими иқтисодчиси Соня Бадирова ҳамда услубчи Муҳаббат Абдуллаева муаллимлар маошини қайта кўриб чиқаётган пайт акс этган.**

**Й. САИДОВ олган сурат.**

Мутахассис мулоҳазаси

# ИШОНЧЛИ МАНБА

Табиат, жамият ва инсон тафаккурига хос нарсалар, ҳодисаларни ўрганиш учун мустаҳкам билим, мунтазам билим сув билан ҳаводек зарур. Бундай билимлар орқали ўқувчилар табиат ва ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғланишларни англаб оладилар.

Ўқитувчи дарсни семинар машғулотлари асосида ташкил қилиш билан ўқувчиларга фаол таъсир кўрсатади, уларнинг ҳар бир воқеа ва ҳодисалар тўғрисида мустақил фикр юритадиган, ўз фикрларини амалий жиҳатдан асослайдиган бўлишига эришади. Бу хилдаги машғулот ижодий аҳамият касб этиб, олинган билим, ҳосил қилинган малаканинг давоми сифатида ўқувчиларда фанга нисбатан қизиқишни кучайтиради.

Бундан ташқари дарсни семинар машғулоти тарзида олиб бориш, у ёки бу фан бўйича ўқувчида мустақил, жонли мушоҳада қилиш малакасини ошириш билан биргаликда унинг шу фан ҳақидаги тушунчасини ёрқинлаштиради. Таълимнинг бу шакли кўпинча гуманитар фанларда кенг қўлланилади. Аниқ фанларда ҳам дарснинг мазкур шакли яхши самара бериши билан бирга ўқувчиларда илмий изланиш, мустақил фикрлаш қобилиятини мустаҳкамлайди.

Бизнинг билим юртимиз "С" категорияли III класс автомобиль ҳайдовчилари тайёрлайдиган билим юртидир. Уч йиллик группаларда химия фанидан давлат имтихони II курснинг охирида бўлади. Имтиҳон олдидан дастурда кўзда тутилган такрорлаш дарс соатларини биз семинар шаклида ўтамиз. Бунда ўқувчиларга ўз хоҳишига ҳамда қобилиятларига қараб ўқитувчи томонидан икки-уч мавзу бўлиб берилади.

Билим юртида ўтиладиган махсус (техник) фанлар химия фанига жуда яқин алоқадор бўлиб, ўқувчилар улардан фойдаланган ҳолда семинар машғулотига тайёрланадилар.

Ўқувчилар мустақил равишда ҳар бир мавзу асосида режа тузадилар ва шу режа асосида семинар машғулотига маъруза тайёрлайдилар. Албатта мавзуларга тайёрланишда зарур дарсликлардан ташқари бошқа фанлар, жумладан техникага оид барча фанлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўқувчи семинар дарсида ўзи тайёрлаган мавзу асосида маъруза қилади, кўпчилик ўқувчилар мавзуга доир кўргазмали қуроллардан фойдаланадилар: турли хил материаллардан тайёрланган автомобиль қисмлари, нефть маҳсулотларидан: бензин, керосин, соляр мойи, сурков мойлари, шина бўлақлари ва ҳоказолар.

Ўқувчи маъруза қилиб бўлганидан кейин шу мавзу асосида савол-жавоб ўтказилади.

Ўқувчилар ўз маърузаси охирида фойдаланган адабиётлар рўйхатини ҳам ёзиб қўядилар ва ўқитувчига топширадилар.

Сир эмаски, билим юртларида билим даражаси паст ўқувчилар ҳам бор. Шу сабабли ўқитувчи томонидан бу ўқувчиларга имкониятларига қараб мавзулар танлаб берилса, фойдадан холи бўлмайди. Бундай дарслар қизиқарли, мунозарали бўлганлиги учун, ҳатто колоқ ўқувчиларни ҳам лоқайд қолдирмайди.

**Саидумар ЖАЛИЛОВ,**
**Қашқадарё вилояти 30 — ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси.**

*Республика ижодкор ўқувчиларининг "Ўзбекистонимни куйлайман" мушоираси*

## ЁШ ҚАЛБЛАР НАВОЛАРИ

Вазирлигимиз шу пайтгача уч марта ижодкор ўқитувчиларни бир ерга жамлаб, республика анжумани ўтказди. Натижада уларнинг беш-олти нафари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлди, 50-60 нафар ижодкор ўқитувчининг китоби чиқди. Бундай устозлардан фахрланган ўқувчилар ҳам ижодда бир мунча сараланиб қолибди.

Эсингизда бўлса, бир вақтлар собиқ Иттифоқ марказларида бирорта ўқувчининг китоби эълон қилинса, биз интиқ бўлиб ҳавас қилардик. Аммо бизда ҳам шундай истеъдодлар борлигини билсак-да, уларнинг бошини силашга, ижоди, иқтидорига аҳамият бериб, рағбатлантиришга ҳаракат қилмасдик. Энди эса келажагимизнинг шоирлари, ёзувчилари, драматург ёки санъаткорлари кимлар экан, деб ҳозирданоқ уларни назардан ўтказиш пайти келди. Уларни нафақат институт ёки дорилфунун талабалари орасидан излайлик балки мактаб давриданоқ аҳамият бериб, йўл-йўриқларимизни аямайлик. Шу мақсадда 18-19 ноябрь кунлари Тошкентдаги Нафис санъат мактабида республика ижодкор ўқувчиларининг "Ўзбекистонимни куйлайман" мушоирасини ўтказмоқчимиз. Ўқувчиларимиз орасида ижодкорлиги билан танилганлар талайгина. Дилфуза Расул қизининг китобчаси чоп этилди, ўзи Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлди. Куни кеча "Тонг юлдузи"да ёш ижодкорларнинг асарлари эълон қилинди, радио ва телевидение орқали ҳам уларнинг чиқишлари ташкил қилинмоқда. Муҳтарам устозларга шогирдларининг ижодидан намуналарини таништириш ниятида бир туркум шеърларни уларнинг ҳукмига ҳавола қилар эканмиз, бу анжуман ҳам анъанавий тус олади, деб умид қиламиз.

Сафар БАРНОЕВ,
Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг етакчи мутахассиси, шоир.

### МУСТАҚИЛ ЭЛИМГА

Мустақиллик сари интилдинг элим,
Кабутардек кўкка шодлик билан уч.
Қафасни синдириб, жўш урдинг, элим.
Истиқлол сувини тўйиб-тўйиб ич.

Қуйлаб яйрамоққа даврینг ҳам етди,
Қанотинг остида полопонларинг.
Сен айтган ғанимлар дунёдан кетди,
Эркин сакрар энди шўх жайронларинг.

Озодлик қўшиғи доим янграсин,
Ўз тилингда сўйла, сўйла, ўзбегим.
Ширин забонингни дунё тингласин,
Чарх урган кабутар — ўзбегим меним.

Дунё ҳам лол қолмиш ўзбек элига,
Тасаннолар айтар ҳаттоки жаҳон.
Ўзбек элим, ўзлигин боғлаб дилига
Одимлайди юксак марралар томон.

Дилноза ШЕРМАТОВА,
Бешариқ туманидаги Т. Эрйигитов номидаги мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

### ЎЗБЕКИСТОН

Дур ичда дурдона,
Олам ичра ягона.
Гўзаллиги афсона,
Ягонам, Ўзбекистон.

Ўтмиши битмас достон,
Сараланганки, маржон.
Эртакларда гул бўстон,
Гўзалим, Ўзбекистон.

Гуллаган кенг гулистон,
Ҳар бир боғи бир бўстон,
Тупроғи олтинга кон,
Бўстоним, Ўзбекистон.

Хуршида ҲАМДАМОВА,
Бешариқ туманидаги Т. Эрйигитов номидаги ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

### БАҲОР ТАШРИФИ

Баҳор. Табиатда ажиб уйғониш.
Тунлар тақиб олди ой — балдоғини.
Замин гўзаллигин қилиб намойиш
Қирлар кўз-кўз этар қизғалдоғини.

Болалар бойчечак қўшиғин айтар,
Мажнунтол эгилиб беради салом.
Хаёл болаликнинг юртига қайтар,
Яшариб кетади бу қўҳна олам.

Қизлар дудоғида гўзал табассум,
Диллар шод, гўёки байрам кунидай.
Мен эса энтикиб ўйладим бир зум,
Умидим гулласа ўрик гўлидай...

Рашида ХУДОЙНАЗАРОВА,
Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Ҳамид Олимжон номидаги мактаб ўқувчиси.

### АТИРГУЛ

Оқшомлар гулзорга тушади кўзим,
Гулларга тўкилар юлдуз ёғдуси.
Дилим осмонида бисёрдир сўзим,
Нетай, сўзларимнинг келмас уйқуси.

Сира олисларни тарк этолмас дил,
Саҳройи ғамларга йиғилган оғу.
Хаёллар олдинга одимлар дадил,
Гулларга суяниб қолади туйғу.

Гоҳида онам ҳам мўъжаз ҳовлига,
Атиргул экарди келганда кўклам.
Бу кичик жисмимнинг оёқ-қўлига,
Кулгум, ҳам йиғлагим келарди бирам.

Шундан атиргулга келди ҳавасим,
Кўнглимда орзулар боғлади қанот.
Юрагимда ёғса ёмғирлар сим-сим,
Атиргулга ўхшагим келади бот-бот...

Соқолин тарайди қари ўйларим,
Атиргулим, қойилман, сенга қойилман.
Не керак бу жисм, сен эса гўзал,
Сенга айланишга жуда мойилман.

Шоди ОТАМУРОДОВ,
нафис санъат лицейи ўқувчиси
Ғаллаорол тумани.

### ШАМОЛГА ҲАМОҲАНГ ШЕЪР

Мени шунча гўл кўриб кўнгил
Суянтириб кетди деворга.
Юрагимда узилган шабнам
Тушаётир айланиб қорга,

Мажнунтолнинг тагида жимлик,
Ер чуқилар қийналган ошиқ
Оёғининг остига олиб,
Муҳаббатни эзғилар маъшуқ

Қуёш ойнинг васлига интиқ
Тоғдан секин ҳатлаган чоғда.
Ой бефарқ, ёстиғин қучоқлаб,
Ширин хуррак отар ётоқда.

Толиб ТЕМИРОВ,
Қарши тумани.

### НИДО

Жимжитлик чўккан қоронғу кеча,
Вужудимни ўй ўраб олди.
Билмам, қандай бир ажиб нидо,
Мендан адолатни сўраб қолди.

Билмай не дея жавоб айлашни,
Ўйга толдим ундан-да баттарроқ.
Оғзимга талқон солгандек жимман,
Ўртар дилимни аччиқ бир фироқ.

Нидо тинди сўрамади қайта,
Балки мени ғулувга солиб кетди.
"Қўрқоқсан, қўрқоқ!" деб айта-айта,
Саси ҳам қалбимда қолиб кетди.

***

Вужудимни бутун деманг адоман, адо,
Муҳаббат остонасида гадоман, гадо.
Ишқ саройига кирдим излаб ёримни,
Андижондан таралган бир
садоман, садо.

Баҳоуддин-ла ҳамдам бўлди
кошонада,
Қул Хожа Аҳмаддан келган нидоман,
нидо.
Ошиқ бўлиб ёрга, етмадим ҳеч васлига,
Дил торларидан таралган навоман,
наво.

Ёр ҳажрида тўкдиму кўз ёш ёмғирин,
Ул ёмғирларда чўмилган ҳавоман,
ҳаво.
Севги дардида юрган бедаво мўл эрур,
Аларга ишқ бодаси-ла давоман, даво.
Бу ошиқ Андижонийга ҳавас этма ёр,
Ёр васлига етмаган гадоман, гадо.

Шуҳратбек МАМАДВАЛИЕВ,
Нафис санъат мактаби ўқувчиси.
Қўрғонтепа тумани.

*Олтин сандиқ*

# НОДИР ПАНДНОМА

*"Умрни дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларга ёрдам бериш, пиру устозлар, дўст биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, покиза инсонлар суҳбатини қозониш..."*

*Тарихимизда бундай ноёб хислатларни ўзларида мужассам этган инсонлар кўплаб бўлган ва уларни элда жовонмардлар, дея эъзоз этишган.*

*XV асрда Ҳиротда яшаган атоқли аллома Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Футувватномаи султоний" асари жавонмардликнинг расм-русуми, одоби хусусида битилган нодир китобдир.*

*Форс-тожик тилидан филология фанлари доктори, профессор Нажиддин Комилов таржима қилган "Футувватномаи султоний"ни Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 45 минг нусхада чоп этди. Асарнинг ахлоқий тарбиядаги беқиёс ўрни ва нашр нусхасининг нисбатан чекланганлигини инобатга олиб, ундан маълум асарларни газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.*

*Мазкур асардан фасллар "Одобнома" дарсларида муҳим манба вазифасини ўташи шубҳасиздир.*

Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

# ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ

## ёхуд жавонмардлик тариқати

### УЧИНЧИ БОБ

**ТЎРТИНЧИ ФАСЛ. ШОГИРД ТУШИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

Агар шогирдликнинг биноси ниманинг устига қурилади, деб сўрасалар, иродат устига, деб жавоб бергин. Агар иродат нимадир, деб сўрасалар, самоъ ва тоатдир, деб айтгин. Агар самоъ (эшитиш) ва тоат нимадир, деб сўрасалар, нимаики устоз айтса, уни жон қулоғи билан эшитиш, чин кўнгил билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалда адо этишдир, деб айт. Агар шогирд учун нима яхши, деб сўрасалар, пок эътиқод деб айт, чунки фақат эътиқод кишини муродига етказади.

Агар шогирд нима орқали матлуби-мақсадига етади, деб сўрасалар, хизмати орқали деб айтгин. Агар хизматининг биноси нимага қурилган, деб сўрасалар, роҳатни тарк этиш ва заҳматни чекиш асосига, деб айтгин. Агар шогирдликнинг рукнлари нечта, деб сўрасалар, тўртта деб айт. Биринчидан, мард бўлиб ишга киришиши, яъни футувват йўлини мардона қабул қилишиш, зеро киришмасдан қўрқиб туриш, орқага суриш ва йўлдан қайтишдан кўра ёмонроқ... Иккинчиси — сидқидилдан хизмат қилиш. Учинчиси — кўнгилни ва тилни бир-бирига мувофиқ тутиш, яъни тўғри гапириб, тўғри аъмол қилиш. Тўртинчиси — насиҳатга қулоқ солиш ва устоздан эшитганни ёдда тутиб, унга амал қилиш.

Агар шогирдликнинг одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айт. Аввал шуки, қабулга кирганда ёки устозни кўрганда, биринчи бўлиб салом бериш. Иккинчиси — устознинг олдида оз гапириш. Учинчиси — бошни олдинга эгиб туриш. Тўртинчиси — кўзни ҳар томонга югуртирмаслик. Бешинчиси — агар масъала сўрамоқчи бўлса, олдин устоздан ижозат олиш. Олтинчиси — устоз жавоб айтганда, эътироз билдирмаслик. Еттинчиси — устоз олдида бошқалардан ғийбат қилмаслик. Саккизинчиси — ўтириб-туришда ҳурматни тўлиқ сақлаш.

### БЕШИНЧИ БОБ

**ТАРИҚАТ АҲЛИНИНГ ОДОБИ ҲАҚИДА**

Билгилки, улуғлар дарвешлик барча адабдир демишлар. Яъни, ҳар бир вақтнинг, ҳар бир ҳолатнинг, ҳар бир мақомнинг ўз одоби бордир. Бас, кимки одобни сақласа, мардлар мақомига ета олади. Ҳаким Абулмажд Санойи "Ҳадиқатул ҳақиқат" (Ҳақиқат боғчалари) асарида дебдурким, суҳбат адаб натижасидир ва адаб ҳурмат натижаси ва ҳурмат савфат (соф, покиза) натижаси ва савфат кўнгил натижаси ва кўнгил ақл хазинаси ва ақл эса сир хазинаси, сир маърифат хазинасидир... Ва дебдурларки, зоҳирий адаб ботин адабининг белгисидир. Ҳар бир одам бирор мартабага эришса, одобидан эришади. Мавлоно Жалолиддин Румий буюрмишлар:

**Ҳам адабдан нурга тўлмиш бу фалак,**
**Ҳам адабдин маъсуму покдир малак.**
**Ва яна:**
**Адаб тождир, илоҳий нурдан ул,**
**Бу тожни кий, санга очиқ ҳама йўл.**

**БИРИНЧИ ФАСЛ. ТАРИҚАТ АҲЛИНИНГ КЎНГИЛНИ АСРАШ ВА ЕТТИ АЪЗО:— КЎЗ, ҚУЛОҚ, ТИЛ, ҚОРИН, ОҒИЗ, ҚЎЛ ВА ФАРЖ (ТАНОСИЛ АЪЗОСИ)НИ САҚЛАШ ОДОБИ ҲАҚИДА**

Агар кўнгилни сақлаш қандай бўлади, деб сўрасалар, айтгил: бу — кўнгил масъиятидан ҳазар қилмоқдир, яъни тангри таоло амрига, шариатга хилоф ишлардан, гуноҳлардан парҳез қилмоқдир ва кўнгил масъиятларининг асли ҳасад, такаббур, худписандлик, риё, ғафлат, бахиллик, ҳирс ва шунга ўхшаган ёмон иллатлардир. Яна шуки, кўнгил оинасини пок тутгил ва бу илоҳий хилватхона хас-хошокини сафо супургуси билан тозалаб тургин.

**Дил уйин сафо супургуси ила супурмагунча,**
**Ҳазрати жонон жамоли унда жилва этмагай.**

Агар кўзнинг одоби нечта, деб сўрасалар, иккита деб айт. Биринчидан, кўзни тўрт нарсани кўришдан сақлаш керак. Иккинчидан, тўрт нарсани кўришга кўзни очиш керак. Агар кўз кўриши лозим бўлган тўрт нарса нима, деб сўрасалар, айтгил: йўлни кўриб, қадамни қўйишни мулоҳаза қилиш учун аввал йўлга кириш керак. Иккинчидан, ер ва осмонга қараш керак... Учинчидан, ибратли нарсаларга кўзни очиб қараш керак, токи фойдали сабоқ бўлсин...

Агар кўзни беркитиш зарур бўлган нарсалар қайси деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, кўзни номаҳрамни кўришдан манъ этмоқ керак. Чунки номаҳрамга назар шундай бир заҳарли ўқки, у қайси дилга бориб тегса, уни шайтон заҳри билан заҳарлайди ва хароб этади. Иккинчидан, кўзни шаҳват қўзғовчи суратлардан асраш керак, аммо агар биров поклик юзасидан бошқа бировга на ё яхши суратга қараса, бунда ҳеч зиён йўқдир...

Учинчидан, кўзни ўзгалар айбини кўришдан асраш керак, зеро бировлардан айб излаш энг ёмон хислатдир:

**Ўзгалар айбига боқма, ўзингга боқ,**
**Кўзни ёқага беркит, дил шамъини ёқ.**

Тўртинчидан, кўзни бировга ҳақорат назари билан қаришдан асрагил. Ўзгаларни қамситиш, мазах қилиш, ожизлар устидан кулишдан сақлан. Чунки ҳеч ким нуқсондан ҳоли эмас. Ҳожа Имомиддин Фаҳиҳ ёзганидек:

**Мамлакат шоҳи бўларсан ё илоҳинг сояси,**
**Лек боқма сен ҳақорат кўзи-ла бир бандага.**

Агар қулоқнинг одоби нечта, деб сўрасалар, иккита деб айт. Биринчиси шуки, қулоқни уч нарсага очмоқ керак, иккинчиси шуки, уни уч нарсадан сақлаш керак. Агар қулоқ эшитиши лозим бўлган уч нарса нимадир деб сўрасалар, айтгил... учинчидан, машойихлар ва ҳиммат аҳлининг сўзлари.

Агар қулоқни нималардан беркитиш керак, деб сўрасалар, айтгил: аввал ботил ва бидъат сўзлардан, иккинчи, беҳуда ва фойдасиз фахш сўзлардан, учинчидан, ғийбат ва бўҳтон сўзларни эшитишдан. Чунки ғийбатга қулоқ солган ғийбатчининг гуноҳига шерикдир.

Тилнинг одоби қайси, деб сўрасалар, бу олти нарсага тилни очиш ва саккиз нарсадан тилни сақлаш, деб айтгил. Тилни очиш керак бўлган нарсалар қайси, деб сўрасалар, айтгил: ҳожат зарурати юзасидан кўнгилларда яширин бўлган розни изҳор этиш, мазлумлар фарёдига жавоб бериш ва маҳрумлар имкони учун сўз айтиш. Чунки бу сўзлар орқали золимнинг зулми мазлумлар бошидан кўтарилиши мумкин.

Тилни сақлаш лозим бўлган нарсалар қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, ёлғон гапиришдан, зеро ёлғончи худонинг душманидир. Иккинчи, ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан. Учинчи, ғийбат ва бўҳтон гаплардан, чунки бўҳтон фосиқлар ишидир. Тўртинчи, беҳуда баҳсу мунозарадан, айб қилишдан ва гап ташишдан. Булар шайтон васвасасига киради. Бешинчи, ўзини мақташ ва таърифлашданки, бу худбинликка олиб келади. Олтинчи, навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан. Еттинчи, қарғашдан, дуойибад қилишдан, чунки бу жону дилнинг офатидир. Саккизинчи, мазах-масхара қилиш ва ҳазил-ҳузулдан.

Агар қулнинг одоби нечта деб сўрасалар, бешта деб айт: аввал шуки, ҳалол иш билан шуғулланса (касби бўлсин), иккинчидан, бировга озор бермасин, учинчидан, ҳаромга тегмасин, тўртинчидан, омонатга хиёнат қилмасин, бешинчидан, қаламни тўғри сўз учун ишлатсин ва қалам билан ёзганини тил билан айтиш имкони бўлсин.

Агар қоринниг одоби қайсидир, деб сўрасалар, ҳаром ва шубҳали таомни емаслик ва пок бўлиш, деб айтгил.

Агар оёқнинг одоби нечта, деб сўрасалар, иккита деб айтгил. Биринчидан, учта жойга бориш, иккинчидан, учта жойга боришдан сақланиш. Агар борилиши лозим бўлган мавзеъ (жойлар) қайсидир, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, хайрли жойга бориш, иккинчидан, қабрлар ва қалблар зиёратига бориш, бирор гуноҳкорнинг шафоати ёхуд беморнинг аёдатига бориш ёки жабру зулмни дафъ этиш учун қадам ташлаш.

Агар борилиши манъ этиладиган жойлар қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, золимлар ва ҳаромхўрлар уйига бормаслик, иккинчидан, қиморхона ва ҳаробот каби нолойиқ ва туҳмат жойларга бормаслик, учинчидан, намаҳрамлар орқасидан қадам ташламаслик.

(Давоми бор).

## САХОВАТЛИ РАҲБАР

Янгийўл шаҳридаги пахта тозалаш заводининг директори Илҳом Қозоқбоев ижодкор ўқитувчиларни қўллаб-қуватлашдек саховатли ишга қўл урди. Ҳимматли раҳбар Янгийўл туманидаги 3-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, иқтидорли ҳикоянавис Муҳайё Тўлаганованинг "Камалак" нашриётида чоп этилажак ҳикоя ва эртаклар тўплами учун корхона маблағидан 35 минг сўм ажратди. Муҳайё Тўлаганова республика матбуотида, радио ва телевидениесида маориф ва тарбияга оид қатор ибратли ҳикоялари билан фаол қатнашиб келмоқда. Мактаб жамоаси эзгу ишга ҳомийлик қилаётган корхона раҳбариятидан чексиз миннатдорлар.

Ф. ИБОДОВА.

## ТАШАББУСКОР МУАЛЛИМ

Қизилтепа туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида қурилган иссиқхонага Муқимий номидаги ўрта мактабнинг биринчи тоифали биология ўқитувчиси Ҳусан Избосаров раҳбарлик қилмоқда. Иссиқхонани газ билан иситишга мослаштиришда, зарур жиҳозлар билан жиҳозлашда, жамоа хўжалиги ҳам моддий ёрдам кўрсатди.

1993 йилдан бошлаб мазкур иссиқхона ўқувчиларнинг ўқув-тажриба хонасига айлантирилди. Юқори синф ўқувчилари биологиядан олган назарий билимларини амалий тажрибада мустаҳкамлашмоқда. Улар турли сабзавот экинлари — карам, помидор, бақлажон, булғор қалампири экишиб, барча юмушларни навбати билан ўзлари бажаришаётир.

Иссиқхонадан ўтган йили 1,5 миллион сўм даромад олишган бўлса, бу йилги мўлжал унданда юқори натижаларга эришиш.

С. ЭГАМОВ.

*Спорт*



Ҳар бир илм маскани донг таратган ўз ўқувчилари билан фахрланади. Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 74-мактабнинг собиқ ўқувчиси — Японияда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида спортнинг найза улоқтириш тури бўйича бронза медали совриндори Виктор Зайцев билан учрашув чинакам спорт байрамига айланиб кетди.

Мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси И. Н. Луценко маросимни очиб, Ўзбекистон спортчиларининг Осиё ўйинларида қўлга киритган улкан ютуқларида Виктор ва унинг терма жамоадаги ўртоқларининг ҳам ҳиссаси борлигини мамнуният билан қайд этди. Акмал Икромов туман ҳокимининг муовини Ҳ. С. Отаматова мактабда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор берилаётганлигини, бу ердан етишиб чиққан найза улоқтирувчи Надежда Афанасьевадек машҳур спортчилар собиқ Иттифоқ терма

## ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВ

командасида кўп йиллар мобайнида қатнашиб келганлигини айтиб, Осиё ўйинларида Ўзбекистон обрў-эътиборини оширишга ҳисса қўшган Виктор Зайцевнинг ютуғи мактаб ўқувчиларини спортни янада оммалаштиришга илҳомлантиради деб ишонч билдирди.

Ўқувчилар Виктор Зайцевга ўзларини қизиқтирган саволларни беришди. Виктор берилган саволларга лўнда ва ишонарли қилиб жавоб қайтарди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Х. Ф. Маъсудов Ўзбекистон Республикаси бундай нуфузли мусобақаларда илк бор қатнашаётганлигига қарамай, бешинчи ўринни эгаллаганлигини, халқ таълими муассасаларидан 18 спортчининг Осиё ўйинларида иштирок этганлигини мамнуният билан тилга олди ва В. Зайцевга Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофотини топширди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев мазкур мактабда спортга иштиёқнинг баландлигини мамнуният билан айтди.

Мактаб директори И. Ф. Гаек собиқ ўқувчи Виктор Зайцевни қизғин қутлаб, спорт соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Биз тантанали маросимдан сўнг жисмоний тарбия ўқитувчиси В. М. Морозни шогирди эришган муваффақиятлар билан қутлаб, Викторнинг ўқувчилик йилларида спорт билан қандай шуғулланганлиги билан қизиқдик.

— Виктор мактабга илк бор келган пайтданоқ спортга ўзгача бир меҳр қўйганлигини англаганман, — деди ўқитувчи. — У 4-синфдалигидаёқ найза улоқтиришда ўзини кўрсатди. У "Меҳнат" кўнгилли спорт жамияти қошидаги спорт секциясида Г. К. Кирюшин устозлигида найза улоқтириш сирларини ўрганди. Ҳозирги устози Шамил Капкаев раҳбарлигида эса Осиё ўйинларида муваффақиятга эришди.

74-мактабдан спорт соҳасида донг таратган кўплаб кишилар етишиб чиққанлигини эшитдик. Енгил атлетика соҳасида Елена Дроздова, Елена Лисак, спорт гимнастикаси бўйича Олег Мороз, сузиш бўйича Тамара Ибрагимова, регби бўйича Марат Хўжаев, баскетболчи Ирина Архангельская, футболчилардан акаука Б. ва К. Баканов ва бошқалар мактаб фахри ҳисобланишади.

Ҳозирда мактабда 1040 ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Улар орасида кўпгина ўғил-қизлар енгил атлетика, сув полоси, каратэ, таэквандо, волейбол, енгил атлетика, гимнастика секцияларида шуғулланиб келишаётир.

Ёш спортчилар орасидан Виктор Зайцев сингари жаҳон миқёсида мамлакатимиз спорт байроғини баланд кўтарувчилар етишиб чиқишига ишонамиз.

Ғ. МАННОПОВ,
мухбиримиз.

*"Обуна — 95"*

## "ХАЛҚ ТАЪЛИМИ"

*Қадрли журналхонлар!*

*1995 йил учун "Халқ таълими" журналига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.*

*Журналнинг келгуси йилги сонларида халқ таълими соҳаси муаммолари, янгиликлари, истиқболлари ҳақидаги мақолалар, ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш методикасига доир мақолалар, маҳоратли ўқитувчиларнинг иш тажрибалари ёритиб борилади. Шунингдек, миллий педагогика ва психологияга оид "Иқтисодий билимлар оммага", "Ёш ўқитувчиларга ёрдам", "Халқ таълими фидойилари" каби рукнларда материаллар ва расмлар чоп этилади.*

*Хурматли журналхонлар! "Халқ таълими" журналига обуна бўлишга шошилинг!*

*Обуна баҳоси: 12 ойга — 52 сўм 20 тийин, 6 ойга — 26 сўм 10 тийин, 4 ойга — 17 сўм 40 тийин, 2 ойга — 8 сўм 70 тийин.*

*Нашр индекси 75380.*

## ҚУШЛАР КЎЗИДАГИ ҲАДИК — ОЗОДЛИК

Қушлар. Само уммонининг бетакрор дурдонаси. Яратганнинг бежирим, гўзал зуҳури.

Аллоҳ қушларнинг лойини эркинликдан олди. Ва улар етти беҳишт узра Эркинлик, Озодлик тимсоли бўлиб учиб юришибди...

"...Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш"

Агар сиз мунг нелигин билмоқ бўлсангиз, қафасдаги қуш кўзига боқинг. Агар сиз ҳижрон ҳиссини туймоқ бўлсангиз, қафасдаги қуш кўзига боқинг. Шунда бир нарсага иймон келтирасиз: "Озодлик нақадар улуғ неъмат".

Қафасдаги қуш...

Асли қушлар-да бани башар билан ҳамвужуд, ҳамнафас. Агар таъбир жоиз бўлса, бир вужуд зарраси. Шу боис, уларни қафас домига эмас, меҳр оғушига олайлик, уни ўша азиз "тиконлик" ошёнидан айирмайлик. Майли улар қалбларимизга сурур бағишлаб парвоз этсин.

Қафасдаги қуш...

Келинг, уларни севайлик. Фақат Озод қушларни. Озод табиатни. Шояд, шу муҳаббат бизларни-да, Озодлик қадрига етгувчи қилса. Иншоолоҳ!

А. ШОКИРОВ

Чимкент вилояти Туркистон шаҳридаги 2-ўрта мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси
**Улуғ ЯҚУБОВАнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси ва табиёт-география факультети жамоаси биология ва уни ўқитиш услубиёти кафедрасининг собиқ доценти
**Тоир ИСҲОҚОВ**
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.
Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Зубайда Усмонова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1246. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6